БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 181 (672)

14 СЕНТЯБРЬ ЖУМА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида» деб чиқарган қарорини бажаришни таъминлаш тадбирлари тўғрисида (1 ва 2-бетлар):

Совет-Индонезия қўшма баёноти (2-бет).

Совет-Индонезия қўшма баёнотининг имзоланиши (2-бет).

Индонезия Президенти Сукарно Москвадан жўнаб кетди (2-бет).

ВЛКСМ Марказий Комитетининг барча комсомолларга, пионерларга ва ўқувчиларга, барча совет ёшларига Мурожаати (2-бет).

Колхоз ва совхозларда пахта териш ҳамда тайёрлаш юзасидан белгиланган графикни ошириб бажариш учун курашайлик! Б. Халилов. — Бекободда амалий иш ўрнига мажлисбозлик (3-бет).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА (3-бет).

Хитой Коммунистик партияси VIII съездининг очилиши олдидан (4-бет).

Индонезия Президенти Сукарно Белградга келди (4-бет).

СССРдаги ёшлар ташкилотлари комитетида (4-бет).

Умум палатасида Сувайш канали юзасидан музокаралар (4-бет).

М. Гребенюк. — Қишлоқ участкавойи (4-бет)

Пахта йиғим-теримини янада қизитиб юборайлик

Колхоз ва совхозларимиз далаларида пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Колхозчилар, МТС ва совхозларнинг ишчилари Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг пахтакорлар тўғрисида қилаётган оталарча гамхўрлигидан илҳомланиб, пахталан мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳозирги вақтдаги муҳим вазифа — етиштирилган мўл ҳосилни нобуд қилмасдан, қисқа вақт ичида йиғиб-териб олишдан иборат.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг шу йил 7-8 сентябрда бўлиб ўтган III пленуми бу йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва тайёрлашни ўтказишда партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг олдида турган конкрет вазифаларини кўрсатиб берди. Пленум бу йил колхоз ва совхозларимиз далаларида илғор агротехниканинг кенг қўлланилганлиги, ғўзалар тор қаторлаб, квадрат-уялаб ҳамда тўғри бурчак уялаб экилганлиги туфайли қўл меҳнатини камайтириш ва ғўзаларнинг ўсиб-ривожланиши учун, мўл ҳосил учун қулай шарт-шароитлар вужудга келганлигини алоҳида кўрсатиб ўтди. Шунинг учун ҳам бу йил ҳосил илғариги йилдагига қараганда 10-15 кун олдин етилди, асосий майдонларда кўсаклар бир меёрда ёппасига очилмоқда. Ана шу имкониятлар барча партия ташкилотлари, колхозлар, МТС ва совхозлар олдига сентябрь ойида йиллик планнинг камида 50 процентини миқдорида пахта териб давлатга топшириш имкониятини беради.

Бу йил областимиз бўйича давлатга 465 минг тонна пахта етказиб беришимиз керак. Илғор колхозлар ва совхозлар ўз мажбуриятларини бажариш учун йиғим-терим суръатини тинмай оширмоқдалар. Айниқса, Бўка, Пискент, Мирзачўл ва бошқа районлар теримда олдинда бориб, турфа кўрсаткичларга эришмоқдалар. Аммо шуни айтиш керакки, айрим район партия ва совет ташкилотлари йиғим-терим ишларида уюшқоқсизликка ва катта нуқсонларга йўл қўймоқдалар. Янгийўл, Верхне-волинск, Сирдарё районларида йиғим-терим ишларига анча оз кишн қатнашмоқда, меҳнат интизоми бузилмоқда. Колхозларда қаттиқ кун та тиби белгиланган эмас, терим нормаси кам белгиланган ва пахтанинг очилганлигига қараб табақалаштирилмаган. Бундай фактлар йиғим-терим суръатига салбий таъсир кўрсатмоқда ва теримда қулай фурсатнинг қўдан бой бериб қўйилишига сабаб бўлмоқда.

Вазифа — пахта териш ва тайёрлаш ишларини ташкил этишдаги хато ва камчиликларни тезда тугатишдан, далаларда зўр ғайрат кўрсатиб ишлаш вазиятини вужудга келтиришдан, колхоз ва совхозлардаги барча меҳнат ресурсларини терим суръатини янада кўтариш учун сафарбар этишдан иборатдир. Меҳнат унумдорлигини кўтариш ва меҳнатнинг илғор методларини жорий этишга ёрдам берувчи ҳамма чораларни амалга ошириш зарур.

Пахта йиғим-терими қизғин давом этаётган ҳозирги кунларда минглаб колхозчилар, совхоз ишчилари мавсум давомида 10-15 минг килограмм ва ундан ҳам ошириб пахта териб бериш юзасидан ўз зиммаларига юксак социалистик мажбурият олдилар. Колхоз ва совхозларимиз далаларида кўп минг килограммчилар ҳаракати кучайиб кетди. Бўкалик чевар теримчилар Саодат Гулаҳмедова, Хувайда Ортиқова, Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхознинг илғор теримчиси Б. Танпирова, Чиноз районидаги Хрушчев номли колхознинг чевар теримчиси Қаршигул Қулумбетовалар кўп минг килограммчиларнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Партия, совет, комсомол ташкилотларининг муҳим вазифаси ана шу илғор теримчиларнинг ташаббусита бошчилик қилишдан, кўп минг килограммчилар ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг тажрибасини пахтакор ва механизаторлар ўртасида кенг ёйишдан иборат.

Пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш, мавсум нормаларини тўла ва ошириб бажаришга эришишда колхозчиларга моддий ва маиший шароит яратиб бериш айниқса катта аҳамиятга эгадир. Нормани ошириб бажарган теримчилар учун колхоз правлениелари оширилган баҳо билан ҳақ тўлашни ташкил этишлари керак. Норманинг бажарилиши устидан контролликни кучайтириш, пахтани сортларга ажратиб терувчиларни рағбатлантириш, теримда ишлаётган колхозчиларга ўз вақтида аванс бериб туриш айниқса муҳимдир. Шунингдек, дала шийпонлари ишини тубдан яхшилаш, болалар боқчалари ва яслиларининг ишини тўғри йўлга қўйиш керак.

Бу йил йиғим-теримда машиналардан кенг фойдаланилади. Шунинг учун пахтани машина билан теришга пухта тайёргарлик кўриш лозим. МТС мутахассислари колхоз раислари ва агрономлари билан биргаликда ҳар бир далани текшириб чиқиб, химиявий дорилаш навбатини белгилаб беришлари керак. Ғўза баргини тўктиришнинг кечиктирилиши пахтани машина билан териш ишини барбод қилиши мумкин. Шунингдек, эгат четларини ва ўвотларни текислаб қўйиш пахтани машина билан теришга катта имконият беради.

Нобудгарчиликка қарши кураш— муҳим вазифадир. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг III пленуми пахта нобудгарчилигига қарши кураш партия, совет, комсомол ташкилотларининг муҳим вазифаси эканлигини алоҳида кўрсатиб ўтди. Аммо айрим колхоз ва совхозларда пахтанинг нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда. Ҳом пахтани ситиб олиш, терим вақтида пахтани тўкиб кетиш, чаноқларда қолдириш, ғўзани молларнинг пайхон қилишига, шунингдек пахтани қуритиш ва ташиш вақтида катта нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда. Бундай фактларга мутлақо чидаб бўлмайди.

Партия, совет ва комсомол ташкилотлари пахта нобудгарчилигининг олдини олиш жуда катта давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа эканлигини колхозчиларга, совхоз ишчиларига, механизаторларга кенг тушунтиришлари зарур. Пахта нобудгарчилигига йўл қўяётган кишиларга нисбатан маъмурий чора ҳам кўриш керак.

Колхоз ва совхозларнинг далаларида пахта йиғим-терининг ҳал қилувчи лаври ўтмоқда. Партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари йиғим-терим суръатини бўшаштирмасдан, теримчилар ўртасида социалистик мусобақани янада кучайтириб юборишлари, колхоз ва совхозлардаги барча кучларни пахта йиғим-теримига сафарбар этишлари зарур.

Областимиздаги партия ташкилотлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети III пленуми кўрсатмаларини амалга ошириб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 39 йиллиги кунигача пахта тайёрлаш давлат планини бажарилишини таъминлайдилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ И. К. ЖЕГАЛИННИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Сталинград область комитетининг биринчи секретари Ўртоқ И. К. Жегалин туғилган кунига эллик йил тўлганлиги муносабати билан ва унинг Совет давлати олдидаги хизматларини тақдирлаб, Ўртоқ Иван Кузьмич **Жегалин** Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари А. ГОРКИН.

Москва, Кремль.
1956 йил, 12 сентябрь.

ДИМИТРОВ НОМЛИ ВА «III ИНТЕРНАЦИОНАЛ» КОЛХОЗЛАРИ ЛУБ ЭКИНЛАРИ ТАЙЁРЛАШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

Қуйи Чирчиқ районидаги Димитров номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Шин Ген Дик**, партия ташкилотининг секретари **Хан Николай** Ўртоқлар) 12 сентябрда давлатга луб экинлари етказиб бериш планини 100,6 процент қилиб бажарди. Шу куни райондаги «III Интернационал» колхози ҳам (раиси **Ким Андрей**, партия ташкилотининг секретари **Д. Пак** Ўртоқлар) йиллик планни 112,2 процент бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар.

Давлатга луб экинлари топшириш қизғин давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг „Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида“ деб чиқарган қарорини бажаришни таъминлаш тадбирлари тўғрисида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида» деб чиқарган қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҚАРОР ҚИЛДИЛАР:

1. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Мирзачўл ерларини суғориш ва ўзлаштириш бўйича Бош бошқарма — Главголодностепстрой зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин: 1956 — 1962 йилларда Мирзачўлдаги 200 минг гектар майдонни суғориш ва ўзлаштириш учун 1956 — 1960 йилларда бу ерларда камида 135 минг тонна пахта етиштириш учун сув хўжалик қурилиш ишларини олиб бориш ва суғориш учун тайёрланган майдонларни қуйидаги муддатларда фойдаланишга топширишни таъминлаш: 1956 йилда 4 минг гектар, 1957 йилда 14 минг гектар, 1958 йилда 34 минг гектар, 1959 йилда 52 минг гектар, 1960 йилда 46,8 минг гектар, 1961 — 1962 йилларда 43,2 минг гектар.

2. Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги зиммасига Мирзачўлда янги суғориладиган ерларда 23 совхоз, шу жумладан 1956 йилда 3 совхоз, 1957 йилда 2 совхоз, 1958 йилда 4 совхоз, 1959 йилда 5 совхоз, 1960 йилда 1 совхоз ва 1961 — 1962 йилларда 8 совхоз ташкил этиш ҳамда бу совхозларда зарур қурилиш ишларини амалга ошириш мажбурияти юклатилсин.

3. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги зиммасига 1960 йилгача Киров номли канал бўйлаб колхозларнинг 20 минг гектар қўриқ ерларни ўзлаштиришларини таъминлаш, шу жумладан: 1957 йилда 3 минг гектар, 1958 йилда 5 минг гектар, 1959 — 1960 йилларда 6 минг гектар қўриқ ерларни ўзлаштириш мажбурияти юклатилсин.

4. Республика колхозлари томонидан биринчи навбатда 20 минг гектар қўриқ ерларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг қуйидаги таклифи қабул қилинсин:

а) 1957 — 1958 йилларда Тошкент областининг Верхне-волинск ва Гулистон районларида иккита янги МТС қуриш ва мавжуд 5 МТСни кенгайтириш, шу жумладан 1957 йилда Гулистон районидаги 1- МТСни, Верхне-волинск районидаги 1-ва 2- МТСларни, 1958 йилда Мирзачўл районидаги 2- МТС ни ва Сирдарё районидаги 1- МТСни кенгайтириш;

б) 1957 йилда Мирзачўл шаҳрида районлараро база қуриш ва «Ўзглавсельхозснаб»нинг Сирдарё ва Велико-Алексеевская станцияларидаги мавжуд район омборларини кенгайтириш;

в) 1957 йилда Каттақўрғон хотор-ремонт заводини кенгайтириш ва қўшимча ускуналар билан жиҳозлаш, шу заводда автомашина ҳамда ер қазувчи механизмларни ремонт қилаётган цех қуриш;

г) 10 та янги кўчиб келтирилган колхоз ташкил этиш ва бу колхозларни планлаштириш.

5. Ўзбекистон ССР Госпланига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги қўчириш ишлари Бош бошқармаси, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги билан биргаликда колхозчиларни, шунингдек республиканинг тоғли ва кўп аҳоли яшайдиган районларидан, қишлоқ ва шаҳарларидан аҳолини Мирзачўл районига кўчириш планини икки ой муддат ичида ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитетига тақдим этиш вазифаси топширилсин;

6. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва Тош йўллар министрлиги зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) 1956 — 1962 йилларда юзаси қаттиқ материал билан қопланган 400 километр магистрал автомобиль йўллари қуриш, бундан ташқари совхоз ва МТСларнинг марказий усадьбаларига олиб боратиган 150 километр узунликдаги йўллар қуриш;

б) Автомобиль йўлларни қуриш учун 1956 — 1958 йилларда Мирзачўл районларида 8 та, шу жумладан 1956 йилда 3 та, 1957 йилда 3 та ва 1958 йилда 2 та машина йўл станциясини ташкил этиш.

7. Ўзбекистон ССР Тўқимачилик саноати министрлиги зиммасига Мирзачўлда пахта совхозлари ҳузуридаги 23 пахта тозалаш заводини қуйидаги муддатларда қуриб битиришни таъминлаш мажбурияти юклатилсин: 1958 йилда 3 завод, 1959 йилда 3 завод, 1960 йилда 4 завод ва 1961—1962 йилларда 13 завод.

Пахта тозалаш заводларини проектлаш ва қуриш вақтида пахта териш ва кўрак териш машиналарида терилган пахтани далада тозаламасдан қабул қилиб олишни, шунингдек юк ортиш, юк туширишдаги кўп меҳнат талаб қиладиган процессларни тўла механизациялаш ва бутун технология процессини мумкин қадар кўпроқ автоматлаштириш кўзда тутилсин.

8. Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлиги зиммасига Мирзачўл районларида совхозлар, МТСлар, пахта тозалаш заводлари, колхоз посёлкалари, юқори вольтли электр қуввати ўтказувчи линиялар, трансформаторли подстанциялар ва камвольтли электр тармоқлари; машина йўл станцияларининг усадбалари, автобазалар, Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва Тош йўллар министрлигининг идора бинолари ҳамда Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг граждан иншоотларини қуриш вазифалари юклатилсин.

9. «Средазгидроэнергострой» трестига 1956 йилда Мирзачўлда магистраль каналлар қуришга киришиш ҳамда 1958 йилда жанубий Мирзачўл магистраль каналини, 1959 йилда Марказий Мирзачўл магистраль каналини, 1958 йилда сувни машина билан кўтариб берадиган магистраль канални қуриб битказиш мажбурияти юклатилсин.

10. «Ўзбекэнерго» ва «Средазгидроэнергострой» трести зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) 1956 — 1957 йилларда Фарҳод Гидроэлектростанциясининг подстанциясида ҳар бири 20 минг киловаттли иккита трансформатор, шу жумладан 1957 йил 1 январгача 1 трансформаторни ўрнатиш ва 1957 — 1958 йилларда Мирзачўлдаги ўзлаштириладиган районларни электр энергияси билан таъминлаш учун 110/35 киловаттли район подстанциялари бўлган 110 киловаттлик электр қуввати ўтказадиган линиялар қуриш;

б) 1962 йилгача 40 минг киловаттгача қувват берадиган Мирзачўл гидроэлектростанциясини қуриш.

11. «Средазтрансстрой» трестига Главголодностепстрой билан шартнома асосида 1957 йилда Мирзачўлда Сирдарё станциясидан Жиззах шаҳрига томон тахминан 60 километр узунликда кенг изли темир йўл қуришга киришиш ва 1958 йилда шу йўлда поездларнинг вақтинча қатнай бошлашини таъминлаш юклатилсин.

12. Ўзбекистон меҳнат резервлари республика бошқармасига 1957—1959 йилларда Мирзачўлдаги ўзлаштириладиган районда типовой проектлар бўйича тўртта қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртини қуриш юклатилсин. Бу билим юртларини қуриш вазифаси Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиш министрлигига топширилсин.

Ўзбекистон ССР Шаҳар ва Қишлоқ қурилиши министрлигига 1956 йилнинг учинчи кварталида «Фарҳод» совхозининг марказий усадбасида механизация билим юртининг янги биносини қуришга киришиш юклатилсин.

13. Главголодностепстрой Ўзбекистон ССР Госплани, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Ўзбекэнерго» «Средазгидроэнергострой», «Средазгипроводхлопок», «Гидроэнергопроект» институтининг Ўрта Осиё бўлимига 1956 йилнинг 1 декабригача Чордарё сув омбори ҳамда унинг ёнидаги гидроэлектростанцияни қуриш тўғрисидаги ўз таклифларини Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиш юклатилсин.

14. Ўзбекистон гидрогеология экспедициясига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а). Главголодностепстрой билан келишиб 1956 — 1958 йилларда суғориладиган ерларда ҳамда Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши керак бўлган қўриқ ерларида сизот сувларидан фойдаланиш ҳисобига аҳоли яшайдиган пунктларни сув билан таъминлашнинг схема ва техника проектларини тузиш учун муфассал гидрогеология қидириш ишларини ўтказиш.

Гидрогеология қидиришлари ўтказиш вақтида Мирзачўлда қазилган қуйуқларан сув таъминотига яроқли сув чиққан қуйуқлар трубалар билан мустаҳкамлансин, филтрлар билан жиҳозлансин ва улар қайтариб олмаслик шарти билан фойдаланиш учун совхозларга, МТС ларга ҳамда сув хўжалик ташкилотларига топширилсин.

б) Мирзачўлдаги ерости сувларининг кўтарилаётганлиги ёки кўтарилмаётганлигини ҳамда минералашувини ва суғориш таъсири остида шу сув режимининг қандай ўзгараётганлигини 1956 йилдан бошлаб муттасил кузатиб туришни ташкил этиш.

15. «Союзнефтебурвод» трестининг 11- махсус бошқармасига Ўзбекистон ССР совхозлар министрлиги билан шартнома тузиб ва Главголодностепстрой билан келишиб Мирзачўлдаги янги совхозларни сув билан таъминлаш учун 70 та қуйуқни қазиб бериш, шу жумладан 1957 йилда 30 та қуйуқни қазиб бериш ҳамда бу қуйуқларни сув чиқариб берадиган машиналар билан ускуналаш юклатилсин. Бинокорлик ташкилотларининг ишлаб чиқарини базалари ва ишчилар яшайдиган посёлкалар жойлашадиган ерларда қуйуқлар биринчи навбатда қазилсин ва жиҳозлансин.

16. Ўзбекистон ССР алоқа министрлигига қуйидагилар юклатилсин:

а) 1956 — 1957 йилларда шаҳарлараро телефон ва телеграф алоқасини ташкил этиш ҳамда Мирзачўлнинг ўзлаштириладиган ерларида жойлашган қурилиш ташкилотлари, совхозлар, колхозлар, МТСлар, суғориш системалари ва автомобиль йўли хўжалигининг бошқармаларига хизмат кўрсатиш;

б) 1956 — 1962 йилларда Мирзачўлда барча қурилиш участкалари, совхозлар ва колхозларнинг район марказлари билан алоқасини таъминлаш учун телефон линияларни қуриш бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажариш ҳамда Ўзбекистон ССРнинг тегишли министрликлари ва идоралари билан шартнома тузиб, қурилиш участкалари, совхозлар ва колхозларни радиолаштириш;

в) 1956 — 1958 йилларда тегишли министрлик ва идоралар билан шартнома тузиб, 110/35 киловаттли электр-қуввати ўтказувчи линиялар, трансформаторлик подстанциялар, шунингдек совхоз ва колхозларга, пахта тозалаш заводларида, МТСларда, суғориш системалари бошқармалари, машина йўл станцияларида ва автомобиль базаларида камвольтли электр тармоқларни қуришга киришиш топширилсин.

18. Мирзачўлдаги қўриқ ерларни суғориш ва ўзлаштириш юзасидан 1956 йил учун белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрликлари ва идоралари бўйича капитал маблағ сарфлаш ҳажми 76 миллион сўмга кўпайтирилсин.

19. Главголодностепстройнинг ўз кучлари билан бажариладиган ишлари ҳажми 1956 йил учун 22,2 миллион сўмлик миқдорда белгилансин ва Ўзбекистон ССР шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлиги бўйича пудратга олинган ишлар ҳажми 22 миллион сўмлик миқдорда, Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги бўйича 7,2 миллион сўмлик миқдорда ва «Средазгидроэнергострой» трести бўйича 9 миллион сўмлик миқдорда оширилсин.

20. Ўзбекистон ССР шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигига 1956 йилда машина-прокат базаси кучлари билан Ўзбекистон ССР автомобиль траспорти ва тош йўллар министрлигининг Мирзачўлда йўллар қуриши учун 100 минг кубометр миқдорида ер ишларини бажариш юклатилсин.

21. Ўзбекистон ССР Сув хўжалик министрлигига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) 1956 йилда Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва Тошйўллар министрлиги учун Мирзачўлда йўл қуриш бўйича 500 минг кубометр ер ишларини экскаваторлар ёрдами билан бажариш;

б) «Голодностепводстрой»нинг Мирзачўл шаҳридаги қурилиш монтаж бошқармасини, бу бошқарма ҳузуридаги ишчилар таъминот бўлимини ҳамда Марказий коллектор ва Боёвут канали бўйича қурилаётган корхоналар дирекцияларини Главголодностепстрой ихтиёрига топшириш;

в) Бекобод шаҳридаги қурилиш-монтаж бошқармасини Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига топшириш.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига 1956 йилда Бекобод шаҳрида шағал-қум ва тош карьерларини ҳамда темир-бетон конструкциялар заводини қуриш ишларини бажариш юклатилсин.

22. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига Мирзачўл шаҳридаги мотор-ремонт заводини Главголодностепстройга топшириш юклатилсин.

23. Ўзбекистон ССР Госпланига Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг 1957 йилги пудрат ишлари планини тузишда Мирзачўлда 40 километр узунликдаги автомобиль йўлини қуриш ва Мирзачўлни ўзлаштиришни ташкил этиш учун Бекобод шаҳрида ёрдамчи корхоналар қуришни кўзда тутиш вазифаси юклатилсин.

Главголодностепстрой Ўзбекистон ССР шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлиги, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва Тошйўллар министрлиги, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги ва Ўзбекбирлашувга икки ҳафта ичида Мирзачўлда олиб бориладиган ишларни бажариш учун қурилиш ташкилотларини тузиш юклатилсин. Бу ташкилотлар мазкур системалардаги энг яхши ходимлар ҳисобига ва бошқа ташкилотлардан мутахассисларни жалб этиш ҳисобига иқтисосли кадрлар билан таъминлансин.

24. «Средазгипроводхлопок» проект институтига Мирзачўлда қуриладиган сув хўжалик объектларини проектлаш юзасидан ва янги суғориладиган 200 минг гектар ерни хўжалик жиҳатдан ўзлаштиришнинг генерал планини тузиш юзасидан асосий проектлаш ташкилотининг вазифалари юклатилсин.

25. «Теплоэлектропроект»нинг Тошкент бўлимига 1956 йил 15 ноябргача Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштирувчи районларни четдан электр билан таъминлаш схемасини ишлаб чиқиш юклатилсин.

26. «Ташгипротранс» институтига Сирдарё станциясидан бошлаб қуриладиган темир йўл учун проект топширигини ишлаб чиқишда бу йўлни кейинчалик Тошкент темир йўлини Жиззах станциясигача давом эттиришни кўзда тутиш топширилсин.

27. Главголодностепстрой, Ўзбекистон ССР Сув хўжалик министрлиги ва «Средазгипроводхлопок» институтига қуйидагилар юклатилсин:

а) Мирзачўлда сув хўжалик қурилиши учун проект ва сметаларда янги суғориладиган ерларни текислаш ишларини кўзда тутиш;

б) Мирзачўлдаги каналларни ва суғориш системаларини қуриш учун проектлар ишлаб чиқишда суғоришнинг илғор усулларини қўлланиш ва Мирзачўл ерларининг батқоқланишига ҳамда шўр босишига қарши кураш чораларини кўзда тутиш.

Мирзачўлда янги суғориладиган ерларни текислаш ишларини бажариш Главголодностепстройга юклатилсин.

28. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги қурилиш ва архитектура ишлари бўйича давлат комитетига бир ой муддат ичида Главголодностепстрой билан биргаликда 1956 ва 1957 йилларда уй-жой бинолари ҳамда маданий-маиший бинолар қуриш учун Мирзачўлнинг маҳаллий шароитларини ҳисобга олган ҳолда типовой проектларни танлаб олиш вазифаси юклатилсин.

29. Главголодностепстройга проект ҳужжатларини ва бошқа техника масалаларини кўриб чиқиш учун Техника совети ташкил этишга рухсат этилсин.

30. Мирзачўлда ишлайдиган қурилиш ташкилотларининг ишчилари учун ётоқхоналарни жиҳозлашга республика бюджетидан 1.3 миллион сўм, шу жумладан, Главголодностепстройга 510 минг сўм, Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигига 500 минг сўм, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва Тош йўллар министрлигига 100 минг сўм, «Средазгидроэнергострой» трестига 120 минг сўм, Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигига 60 минг сўм, «Средазтрансстрой» трестига 20 минг сўм ажратилсин.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий ва ёқилғи саноати министрлиги ҳамда Ўзпромсоветга мазкур қурилиш ташкилотлари ва Ўзбекистон гидрогеология экспедициясининг заявкалари бўйича ётоқхоналарни жиҳозлаш учун юмшоқ ва қаттиқ инвентар тайёрлаш ва етказиб бериш топширилсин.

31. Ўзбекистон ССР Госпланига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Мирзачўл ерларини суғориш ва ўзлаштириш Бош бошқармаси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги қурилиш ва архитектура ишлари бўйича давлат комитети ҳамда Мирзачўлни ўзлаштириш бўйича иш олиб бораётган бошқа министрликлар ва идоралар билан биргаликда бу ишларни бинокорлик материаллари билан таъминлаш (бунда маҳаллий бинокорлик материалларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш кўзда тутилиши керак) масаласини икки ҳафталик муддат ичида ҳал этиш топширилсин.

32. Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) Мирзачўл районларига маҳаллий бинокорлик материалларини биринчи навбатда юборишни таъминлаш;

б) 1956 йилдан Беговот шаҳрида гишт заводи қуришга киришиш, гишт заводини қуришни Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги зиммасига юклаш;

в) Главголодностепстрой ҳамда Ўзбекистон ССР Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлигининг топшириғига мувофиқ ер-бетон юзасидан комплекс лаборатория текширишлари ўтказиш ва бу материалдан завода маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан ўз таклифларини тақдим этиш;

г) Мирзачўлнинг қурилиш олиб бориладиган районларида тупроқ қазиб олинадиган карьерлар ташкил этиш, темир-бетон конструкция ва деталлар тайёрлайдиган, пишиқ ва хом гишт ҳамда бошқа маҳаллий бинокорлик материаллари тайёрлаб берадиган корхоналар қуриш.

33. Ўзпромсоветга Мирзачўлни ўзлаштириш ишларини бажариш учун Сирдарё ва Гулистон районидаги артелларда 230 минг квадрат метр ҳажмда камишли бўюмлар, шу жумладан 160 минг квадрат метр қамиш плиталар тайёрлаб бериш ҳамда Мирзачўлда ишлайдиган қурувчиларга сотиш учун 3 минг брезент плащч тикиб бериш вазифаси юклатилсин.

34. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ва Ўзбекбирлашувга зарур миқдорда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қуриш, Мирзачўлнинг қўриқ ерларини ўзлаштирадиган районлардаги совхоз, МТС ва қурилиш ташкилотлари ишчи ҳамда хизматчиларини озиқ-овқат ва саноат товарлари билан узлуксиз таъминлаб туриш вазифаси юклатилсин. Савдо қилинадиган бинолар қурилиши тугаллангунча кўчма вагонлар ва автолавкалар ташкил қилинсин.

35. Ўзбекбирлашувга 1956 йилнинг 3 кварталида Мирзачўлнинг ўзлаштириладиган районларида бу районларга ишлашга келган кишиларга сотиш учун етарли миқдорда жомакорлар етказиб бериш вазифаси юклатилсин.

36. Мирзачўлни ўзлаштириш ва суғоришга иштирок этаётган қурилиш ташкилотларини муҳим ишчи кадрлар билан таъминлаш мақсадида бу ташкилотларга 1956 йилда ихтиёрий равишда, ижтимоий чақириқ тарзида 7 минг ишчини юбориш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Ўзбекистон КП область комитетлари, область ижроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, барча партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларига манфаатдор министрликлар ва қурилиш ташкилотлари иштирокида Мирзачўл қурилишларига меҳнаткашларни жалб этиш ишларини кенг авж олдириб юбориш юклатилсин.

Ишчилар тўплаш асосан комсомоллар ва ёшлар ҳисобига—колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари, саноат корхоналари ва қурилишларнинг ишчилари ва қурувчилари, совет армияси сафидан бўшатилган жангчилар, мактабни тамомлаган ёшлар ва штатларни қисқартириш ҳамда иш ҳажмини камайтириш муносабати билан корхона ва ташкилотлардан бўшатилган ходимлар ҳисобига ўтказилсин.

Министрликлар ва идораларнинг, саноат корхоналари, қурилиш ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари, шунингдек маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари Мирзачўлга энг яхши, энг муносиб кишиларни танлаб юбориш учун шахсан масъулиятли эканликлари огоҳлантириб қўйилсин.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Пахта етиштиришни кўпайтириш учун Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРдаги Мирзачўлнинг қўриқ ерларини суғориш ва ўзлаштириш тўғрисида» деб чиқарган қарорини бажаришни таъминлаш тадбирлари тўғрисида

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Мирзачўлни ўзлаштириш ва суғориш ишларида ёпларнинг иштирокига Партия ва Ҳукуматнинг муҳим топшириғини бажариш деб, катта ватанпарварлик иши деб қараш керак.

37. Главголодностепстройга ва бошқа барча қурилиш ташкилотларига Мирзачўл қурилишларига келган ишчиларни жойлаштириш учун керак бўлган уй-жой биноларини, шунингдек қурувчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун керак бўлган биноларни ўз вақтида тайёрлаб қўйиш юклатилсин.

38. Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитетига, Мирзачўл, Сирдарё, Ховос, Гулистон, Верхне-волинск, Боёвут район партия комитетлари ва район ижроия комитетларига Мирзачўлда ишлаётган қурилиш ташкилотларига ишчи кучларини жалб этиш ишида, барча ташкилотларнинг бу ерга келган ходимларини ўз вақтида жойлаштириш ишида уларни озиқ-овқат билан таъминлаш, қурувчилар ўртасида партиявий-сиёсий ва оммавий ишларни йўлга қўйиш ишида конкрет ёрдам кўрсатиш, шунингдек планда белгиланган қурилиш ишларининг бажарилишини таъминлашга бевосита иштирок этиш вазифаси юклатилсин.

39. Главголодностепстрой, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги қурилиш ва архитектура ишлари бўйича давлат комитетининг Мирзачўлдаги янгидан ўзлаштириладиган қўриқ ерларнинг маъмурий ва ишлаб чиқариш марказини Ўрсатьевская станцияси билан 58-разъезд ўртасидаги районда қуриш тўғрисидаги таклифига розилик билдирилсин.

40. Ўзбекистон ССР Госпланига, Ўзбекистон ССР Министрликлари ва идораларига 1957 йил планида Мирзачўлнинг янги маъмурий ва ишлаб чиқариш марказида уй-жой, маданий-маиший ва маъмурий биноларни, шунингдек Мирзачўлдаги барча қурилиш ташкилотларига хизмат кўрсатувчи катта ёғоч ишлаш ва ремонт механика заводлари ва базаларини қуришни кўзда тутиш юклатилсин.

41. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлигига ва Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлигига 1956-1960 йилларда каналлар ва йўллар ёқасига дарахтлар ва мевали дарахтлар ўтказиш, Мирзачўлда ўрмон массивларни вужудга келтириш вазифаси юклатилсин. Бунинг учун шу йилдаёқ кўчатзор вужудга келтирилсин.

42. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига 1958 йилдан Тошкент областининг Мирзачўл Гулистон, Сирдарё, Верхне-волинский ва Ховос районларидаги колхозлар территориясида 1600 гектар миқдорида ярим ихота ўрмон полосаларини вужудга келтириш ишларини бошлаш ва бу ишларни 1962 йилда тугаллаш вазифаси юклатилсин.

43. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига Ўзбекистон ССРдаги илмий-текшириш институтлари ҳамда олий ўқув юртлари билан биргаликда илмий-текшириш ташкилотлари ва олий ўқув юртлари кафедраларининг Мирзачўл ерларидаги қурилишлардаги иштироки ҳамда бу қурилишга ёрдам кўрсатиш юзасидан, шунингдек айрим илмий-текшириш институтларини Мирзачўлга кўчириш тадбирларини бир ой муддат ичида ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига тақдим этиш топширилсин.

44. Тошкент темир йўли бошқармасига қуйидагилар юклатилсин:

а) Мирзачўлни ўзлаштириш юзасидан иш олиб бораётган қурилиш ташкилотларига ижара сифатида Мирзачўл территориясида жойлашган станция ва разъездларда йўл ёқасидаги юк тушириш майдончаларини учун жиҳозлар ажратиш;

б) Главголодностепстрой билан келишган ҳолда Тошкент темир йўлининг 58 ва 62-разъездларида йўлларни кенгайтириш тадбирларини белгилаш ва бу разъездларда юкларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

в) Мирзачўлдаги қурилиш ва бошқа ташкилотлар адресига келаётган юкларни ўз вақтида ташиш учун вагонларни тўхтовсиз етказиб беришни таъминлаш;

г) Мирзачўл зонасидаги темир йўл станциялари ва разъездларининг аниқ ва узлуксиз ишлашни таъминлаш ва улар устидан махсус контроль ўрнатиш.

45. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлигига қурувчилар ва уларнинг оилаларига тўхтовсиз медицина, коммунал ва маданий-маиший хизмат кўрсатишни таъминлаш. Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигига эса, ижтимоий тартибга риоя қилишни, социалистик мулкчиликни ва Мирзачўлнинг ўзлаштирилаётган районларидаги граждаларнинг мулкини қўриқлаш юклатилсин.

46. Узпромсоветга Мирзачўлни ўзлаштиришда ишлаётган қурувчиларга маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил этиш юклатилсин.

47. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва Тошйўллар министрлигига юк ташиш бўйича белгиланган ҳажмга мувофиқ Мирзачўлдаги барча қурилиш ташкилотлари учун белгиланган ҳамма юкларни биринчи навбатда ташиб беришни таъминлаш, шунингдек автомобиль йўллари ҳамда бу йўлларни бирлаштирувчи йўлларнинг яхши сақланишини таъминлаш юклатилсин.

48. Министрлик ва идораларнинг Мирзачўлда бажариладиган ишларнинг амалга оширилишини таъминлаш юзасидан ишлаб чиққан ташкилий-техникавий тадбирлари тасдиқлансин.

Совет - Индонезия қўшма баёноти

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг таклифига мувофиқ, Индонезия Республикасининг Президенти Сукарно 1956 йил 28 августдан 12 сентябргача Совет Иттифоқида давлат визити билан бўлди.

Президент Сукарнонинг бу сафарида Ташқи Ишлар Министри Руслан Абдулгани, Парламент Раисининг Биринчи Ўринбосари Зайнул Арифин, Парламент Раисининг Иккинчи Ўринбосари Аруджи Картавината, Парламент Аъзолари доктор Сукиман, доктор Леймена, Сутарто Хадисудиньо, шунингдек бошқарманинг турли соҳаларидаги юқори мартабали кишилар ва қуруқликдаги қўшинларнинг, Ҳарбий-денгиз флоти ва Ҳарбий-ҳаво кучларининг офицерлари унга ҳамроҳ бўлдилар. Унинг ҳамроҳлари орасида Индонезия журналистлари ҳам бор эди.

Президент Сукарно ва унинг ҳамроҳлари СССРга қилган визити вақтида СССР Олий Совети Президиуми, Совет Иттифоқи Ҳукумати ва халқи томонидан қизғин ва самимий кутиб олиндилар. Президент Сукарно ва унинг ҳамроҳлари ана шу сафар вақтида Москва, Ленинград, Свердловск, Тошкент, Самарқанд, Ашхабод, Боку, Сухуми, Сочи, Сталинградда, саноат корхоналарида, маданий, қишлоқ хўжалик марказларида ва илмий марказларда, шунингдек Совет Иттифоқининг диққатга сазовор тарихий жойларида бўлдилар; ишчилар ва болаларнинг фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш масалаларига ҳам катта эътибор бердилар.

Бу визит ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстлик туйғуларини мустаҳкамлади ва улар ўртасидаги ҳамжиҳатликни кучайтирди. Совет Иттифоқи Ҳукуматининг раҳбарлари ва Совет Иттифоқи халқи билан бўлган учрашувлар ҳар иккала мамлакатнинг яхши иродаси ва бир-бирларига бўлган ҳурматини мустаҳкамлади. Визит вақтида суҳбатлар ўтказилди. Бу суҳбатларда Совет Томонидан — СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ш. Р. Рашидов, СССР Олий Совети Президиумининг Аъзоси Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари М. Г. Первухин, СССР Ташқи Савдо Министри И. Г. Кабанов, СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи Ўринбосари А. А. Громико, Иқтисодий алоқалар Бош Бошқармасининг бошлиғи К. И. Коваль, СССР Маданият Министрининг Биринчи Ўринбосари С. В. Кафтанов, СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари Н. Т. Федоренко, СССРнинг Индонезия Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Д. А. Жуков, СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё Бўлимининг Мудири Б. М. Волков; Индонезия Томонидан — Президент Сукарно, Ташқи Ишлар Министри Руслан Абдулгани, шунингдек Индонезия Республикаси Ташқи Ишлар Министрлигидан Л. Н. Палар ва Сувито Кусумовидагдо қатнашдилар.

Музокаралар самимият, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтди ва бу музокаларда баъзи халқаро проблемалар, шунингдек СССР билан Индонезия Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик масалалари қараб чиқилди.

Музокаралар натижасида Томонлар қуйидагиларни баён этадилар:

1. Ҳар иккала мамлакат бир-бири билан ўз муносабатларини территориал бутунлик ва суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, бир-бирларига ҳужум қилмаслик, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик, тинч-тотув яшаш принциплари асосига қурадилар.

2. СССР ва Индонезия Республикаси қуролсизланиш, мустамлакачиликка қарши кураш, атом ва водород қуролини қўлланишни ва синаб кўришни тақиқлаш ҳамда шулар сингари халқаро масалаларда Бандунг Конференциясининг руҳига ва принципларига амал қиладилар.

Бундан ташқари, Совет Иттифоқи ва Индонезия Республикаси ҳарбий пактларнинг бўлиши халқаро кескинликни камайтириш йўлида зўр ғайрат билан қилинаётган ишларга ёрдам бермайди, дедилар. Халқаро кескинликни камайтириш йўлида зўр ғайрат билан ишлаш бутун дунёда тинчликка эришиш учун гоят зарурдир.

Шу муносабат билан Хитой Халқ Республикасига унинг БМТдаги қонуний ўрнини бериш табиий бир иш деб гина эмас, балки шу билан бирга умумий тинчлик ишига қўшиладиган конструктив ҳисса ҳам деб топилди.

Ҳозирги вақтда Сувайш канали районида вужудга келган аҳвол тўғрисида ҳар икки Томон бу масала тинч йўл билан, Миснинг суверенитети ҳамда шонш-шуҳратини тамомила ҳурмат қилиш асосида ҳал этилиши лозим, дейди.

3. СССР билан Индонезия Республикаси ўртасидаги дўстлик руҳи табиий равишда ривожланиб бориб, савдо-сотиқ соҳасида, техника соҳасида ва иқтисодий соҳада тенглик ҳамда ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида бир битимга келинди. Шу муносабат билан ҳар икки Томон ҳозирги вақтда Жакартада олиб борилаётган музокаралар техника-иқтисодий битим тузиш билан ва жумладан, Совет Иттифоқининг Индонезия Республикасига узоқ муддатли кредит бериши ҳамда Индонезия Республикасининг Совет Иттифоқига ҳом ашё ва бошқа товарлар етказиб бериши тўғрисида битим тузиш билан тамомланади, деб тўла ишонч билдирди.

4. Маданий ҳамкорлик соҳасида ҳар икки Томон бир-бирларига делегациялар, студентлар ва маданият соҳасида ишловчи мутахассисларни, жумладан, санъат ва фан арбобларини ва шу сингариларни юбориб туриш ҳақида битимга келди.

5. Ҳар икки Томон СССР ва Индонезия Республикасининг раҳбар давлат арбоблари ўртасида шахсий алоқалар ўрнатилганлигидан тамомила мамнун эканлигини билдиради ва икки ўртада бўлган фикр олишув СССР билан Индонезия Республикаси ўртасидаги дўстона алоқаларни янада кўпроқ мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ишонч билдирди. Бундай дўстона алоқалар Совет Иттифоқининг халқи учун ҳам, Индонезия Республикасининг халқи учун ҳам, шунингдек бутун дунёда тинчлик иши учун ҳам фойдалидир.

6. Индонезия Республикасининг Президенти Сукарно СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловни ўзи учун қулай бўлган пайтда Индонезияга боришга таклиф этди.

Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи Ўринбосари
А. ГРОМИКО

Индонезия Республикасининг Ташқи Ишлар Министри
Р. АБДУЛҒАНИ

Москва, 1956 йил 11 сентябрь.

Совет-Индонезия қўшма баёнотининг имзоланиши

11 сентябрь кечқурун Катта Кремль саройида Совет-Индонезия қўшма баёноти имзоланди.

Баёнотни СССР Ташқи Ишлар Министрининг Биринчи Ўринбосари А. А. Громико ва Индонезия Республикаси Ташқи Ишлар Министри Р. Абдулғани имзоладилар.

Имзолаш вақтида К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Л. И. Брежнев, Н. А. Муҳиддинов, Е. А. Фурцева, А. Б. Аристов, П. Н. Поспелов, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг Ўринбосари Ш. Р. Рашидов, СССР Олий Совети Президиумининг секретари А. Ф. Горкин, Ташқи савдо министри И. Г. Кабанов, СССР Маданият министрининг биринчи Ўринбосари С. В. Кафтанов, СССР Ташқи ишлар министрининг Ўринбосари Н. Т. Федоренко, Иқтисодий алоқалар бош бошқармасининг бошлиғи К. И. Коваль, СССРнинг Индонезиядаги элчиси Д. А. Жуков, СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё бўлимининг мудири Б. М. Волков ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Имзолаш вақтида Индонезия томонидан Индонезия Республикасининг Президенти Сукарно, Индонезиянинг Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Л. Н. Палар, Президент кабинетининг бошлиғи А. К. Прингодигдо, Индонезия Ташқи ишлар министрлиги директоратининг мудири Сувито Кусумовидагдо ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

ИНДОНЕЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИ СУКАРНО МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Москваликлар 12 сентябрда Индонезия Президенти Сукарнони самимий кузатиб қолдилар. Сукарно ўз ҳамроҳлари билан бирга Югославия Федератив Халқ Республикасига жўнаб кетди.

Пойтахт механиклашгани очиқ автомашинада аэродромга қараб бораётган Президент Сукарнони ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловни гулдурос қарсаклар билан табриклидилар.

Марказий аэродромда ҳам москваликлардан жуда кўп киши тўпланган эди. Азиз ва ҳурматли меҳмонинг жўнаб кетиши шарафига фахрий қоровул саф тортди.

...Самолётларнинг парвоз қилиш пайти яқинлашади. Президент Сукарно, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Л. И. Брежнев, Н. А. Муҳиддинов, Е. А. Фурцева, А. Б. Аристов, П. Н. Поспелов ўртоқлар самолётлар учадиган майдонга олиб борадиган йўлда пайдо бўладилар.

Аэродромда ҳозир бўлган кишилар уларни самимий табриклайдилар.

Фахрий қоровул бошлиғи рапорт берганидан кейин, Индонезия Республикаси ва Совет Иттифоқининг Давлат гимнлари ижро этилди. Президент Сукарно ва К. Е. Ворошиловмон йўл олди. (ТАСС).

ВЛКСМ Марказий Комитетининг барча комсомолларга, пионерларга ва ўқувчиларга, барча совет ёшларига

МУРОЖААТИ

Қадрли ўртоқлар!

Сиз билан биз ажойиб замонда яшамоқдамиз. Коммунистик партия раҳбарлик қилган совет халқи улуғ Ленин васиятларини бажариб, Ватанимизни қачонлардир қолоқ бўлган мамлакатдан тарихан гоят қисқа муддат ичида қудратли социалистик давлатга — ер юзидаги меҳнаткашларнинг ифтихори ва умидига айлантирди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX съезди меҳнаткаш улуғ халқимиз олдига жуда катта вазифаларни қўйди. Мамлакатнинг Шарқида ва Шимолида янги шаҳарлар, заводлар, фабрикалар, кучли электростанциялар барпо қилинади, минг километрлаб пўлат излар ётқизилади. Колхозлар ва совхозлар ҳар йили ўнлаб миллиард пуд галла оладилар. Бизнинг социалистик маданиятимиз, совет фани янги чўққиларга кўтарилади. Буларнинг ҳаммаси инсон учун, унинг бахт-саодати ва фаровонлиги учун қилинади.

Коммунистик партия совет кишиларини янги улкан ишларга отлантирмоқда. Бугунги кунлар ёшларимизнинг улуғ меҳнат шижоати билан ниқонланиб турибди, Шарқ ва Шимолга комсомол эшелонлари борган сари кўпроқ жўнамоқда. Партиянинг даъвати билан ҳамма қардош республикалардан юз минглаб йигит ва қизлар коммунизм иншоотларига жўнаб кетмоқдалар. Шу кунларда очилган қўриқлар ўз бойлигини намоён қилмоқда. Бепоён қўриқларни ҳайдаб ташлаган ёш ватанпарварларга галлани ўриб-йиғиб олишда юз мингларча ёш кўнгиллилар кўмаклашмоқдалар.

Қадрли дўстлар, ўртоқлар!

Бизнинг Ватанимиз — улуғ революциянинг бешиги, коммунизмнинг гоят улкан қурилиш майдони — энг қудратли ва бой бўлиши билан бирга, жаҳонда энг чиройли мамлакат ҳам бўлиши лозим. Совет кишилари шаҳарларимизнинг, поселкаларимизнинг ва қишлоқларимизнинг кўчалари боғлар ва парклар, соя-салқин аллеялар ва скверлар билан қопланганлигини кўришни истайдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитети Сизларни шаҳарларни, ишчи ва қишлоқ поселкаларини, кўча ва майдонларни, завод ва мактаб ҳовлиларини кўкаламзор қилиш учун отланишга чақиради.

Бу катта ва олижаноб ишлар. Бизда ҳали кўкаламзорлар кам. Парк ва боғларнинг яшил либоси кўзни қувонтирадигина эмас — қаердаки яшиллик кўп бўлса, ўша ерда тўйиб нафас олсан, ишдан кейин тезроқ куч тўплайсан. Ёлғиз бўлган ҳамма ерда яшил дарахт ва буталар кўриниб туриши, гулзорлар, гулпушталар, майсазорлар бўлиши лозим.

Ўз ҳовлингизга, ўзингиз ҳар куни ўтиб турадиган кўчага, ўзингиз ишлайдиган цехга яхшироқ қарасангиз ва шундай қилганда сиз қаерда нима борлигини ва қаерда нима қилиш кераклигини ўзингиз пайқаб оласиз.

Ҳар бир шаҳарда, ишчи поселкасида комсомол парклари ва боғларини яратамиз, кўча ва майдонларга яшил либос кийдирамиз, аллеяларни, бульварларни, уйларнинг олдидаги боғчаларни тартибга соламиз, уларни ҳузурбахш ва қулай қиламиз. Ҳар бир ҳовлини қулай, озода қиламиз, ҳовлиларда спорт майдончаларини яратамиз, уларни гулпушталар билан безаймиз. Майдонларда ва бульварларда набутарларни, ҳовузларда оқкуш ва ўрдакларни, парклларда олмахонларни боқиб кўпайтирамиз!

ВЛКСМ Марказий Комитети қишлоқдаги йигит ва қизларни ўз қишлоқларини, станцияларини, МТС қўрғонларни, совхоз поселкаларини кўкаламзорлаштиришга чақиради. Дарахт ва буталар экайлик, кўча ва майдонларни тозалайлик, боғлар, қишлоқ парклари яратайлик, ҳовуз ва кўллар вужудга келтирайлик!

Ҳарбир қишлоқда, станцада, хуторда клубларни, кутубхоналарни, ўқишхоналарни тартибга соламиз, уларни ясатамиз, яхшилаб жиҳозлаймиз, қишлоқда янги маданият ўчоқларини қуришга кўнгилли равишда ишчанлик билан киришамиз.

Кўкаламзор ва обод қилиш юзасидан зардор ёшлар бригадаларининг, участкаларининг, звеноларининг оммавий мусобақасини авж олдирамиз. Ҳар бир йигит ва қиз ўз жонажон шаҳарини, поселкасини, қишлоғини кўкаламзор қилишга вакт ажратсин. Бригада билан бригада, цех билан цех, мактаб билан мактаб, кўча билан кўча, қишлоқ билан қишлоқ, ёшларнинг битта ётоқхонаси билан иккинчи ётоқхонаси, шаҳар билан шаҳар мусобақалашсин!

Совет кишилари ўз дастурхонларида хилма-хил мева-чева сероб бўлишини истайдилар. Эски боғларни тиклаш, янги боғлар яратиш, уларни мўл ҳосил берадиган қилиш—олижаноб вазифадир. Бу ишга ҳамжиҳатлик билан киришамиз.

Ўз кўлларимиз билан бу йил ва келгуси йилда камида 100 минг гектар ерда боғлар, мевазорлар ва узумзорлар яратамиз.

Янги ерларга кўчиб борган ёшлар! Сизлар чалавзор даштларни забт этдингиз, янги поселкалар ва МТСлар қурдингиз. Эндиликда биз сизларни ўз ўлкангизни, ёшлик ёнгиб чиққан ўлкани яшил поселкалар ва ажойиб боғлар ўлкасига айлантиришга чақирамиз!

Москва, Тула, Орлов, Курск, Белгород, Харьков, Днепропетровск, Запорожье, Херсон ва Қрим областларининг комсомоллари, Москва—Симферополь трассасини 1957 йил 7 ноябргача ёнғоқ ва мева дарахтлари билан қоплайлик.

Пионерлар ва ўқувчилар! ВЛКСМ Марказий Комитети Сизларни ўз катта ўртоқларингиз — комсомолларга шаҳар ва қишлоқларга яшил либос кийдиришда қўлларингизда келгунча кўмаклашишга чақиради.

Мактаб ҳовлиларини, пионер лагерларини, боғларда ўйлари ҳовлиларини кўкаламзор қилингиз, тажриба участкаларида мевали дарахтлар экингиз, буталар ўтказингиз, меваларнинг янги хилларини етиштирингиз, гулларни кўпайтирингиз, уларга яхши қарангиз.

Боғлар ва парклардаги дарахтларни синишдан ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан асрангиз. Ўтказилган ҳар бир дарахтни сақлайлик. Боғ ва парклардаги яшил кўчатларни ўз ҳимоямизга олайлик.

Қадрли ўртоқлар! Биз бутун сафимизда бўлмаган, ўз ҳаётини революция ишига бағишлаган, бахтли болалик ва ўсиб келаётган ёшлар учун жонини фиғо қилган кишиларни ҳеч қачон ёддан чиқармаймиз. Минг-мингларб қурашчилар шонли Ватанимиз учун, ўз халқининг осойишталиги ва бахт-саодати учун ўзларини фидо қилдилар. Бизнинг тупроғимизда ҳар бир совет кишисининг қалбига азиз туюлган қутлуғ қабрлар кўп.

Комсомоллар ва ёшлар, пионерлар ва ўқувчилар ҳамма ерда — шаҳарларда ва қишлоқларда граждан ва Ватан уруши қаҳрамонларининг қабрларини тартибга солсинлар, бу қабрларни ихота билан ўраб олсинлар, қабрга олиб борадиган йўлкаларга қум тўксинлар, гуллар ўтқазсинлар, қабрларни кўкаламзор қилсинлар.

Шундай қилайликки, 7 ноябрь куни — жаҳонда биринчи социалистик давлат барпо қилинган кун ўртоқлик қабрлари ва мозорларида ёшларнинг митингларини, йиғилишларини, учрашувларини ўтқазиш муқаддас традиция бўлиб қолсин. Қаҳрамонларнинг қабрларидаги гуллар ҳеч қачон сўлмасин, абадий хотирлаш ва самимий ҳурматлаш ўзларнинг шонли ҳаётини севиклі Ватан учун бағишлаган қаҳрамонларнинг қабрларини ғамхўрлик билан тузатиб турсин.

Қадрли дўстлар! Шаҳар ва қишлоқларимизга яшил либос кийдирайлик!

ВЛКСМ Марказий Комитети комсомоллар, пионерлар ва ўқувчилар, барча совет ёшлари ана шу янги ва катта ишга комсомолларга хос бўлган жўшқинлик ва ғайрат билан киришадилар, деб ишонч билдиради.

ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

Мирзачўлни электрлаштириш

Мирзачўлдаги Киров номли энг катта каналда, Гулистон районидаги «Красная заря» колхозига яқин жойда яқин орада кучли гидроэлектростанция биноси қад кўтаради. Бу гидроэлектростанция шу ер массивида ташкил этилаётган барча совхозларга қувват беради. Ҳозир бу ерда «Гидроэнергопроект» институти Ўрта Осиё бўлимининг топографлари, гидрологлари ва геология разведкачилари ишламоқда.

Шу муассасанинг бош инженери Ю. И. Горскийнинг мухбиримизга хабар қилишича, бу ГЭСнинг агрегатлари суғориш вақтида фойдаланилмайдиган сувлар билан ҳаракатга келтирилади. Бундай ҳолда станция одатда жуда ортиқча куч билан ишлайди. Проектловчилар гидроэнергетиканинг энг янги муваффақиятларини қўлланиш асосида ГЭС қувватидан юксак даражада — йилига беш минг соат фойдаланишни кўзда тутмоқдалар. Бу кўрсаткич Ўрта Осиё шароитида жуда фойдали бўлган станциялар учун ҳам жуда яхшидир.

Электр станциясининг проект қилинаётган 40 минг киловатт қуввати каналдан сув оқишни икки ҳисса кўпайтириш натижасида таъминланади. Гидро қурувчилар олдида яна бошқа қийинчилик бор. Бу эса ГЭС биноси қуриладиган жойнинг серқумли бўлишидир. Шиштовой пўлат билан тўсиб олиниши унинг ишпоотти тагини ер ости сувларининг таъсир қилишидан хавфсиз ҳолга келтиради.

Мирзачўлда қуриладиган ГЭСни проектлаш келаси йилнинг тўртинчи кварталида — муддатидан уч ой илгари тугаллаш мўлжалланади. Бу ГЭС тўла равишда автоматлаштирилади ва бир жойдан туриб бошқарилади. ГЭСдан Мирзачўлнинг ички томонига юзларча километр масофага юқори вольтли электр қуввати ўтказиш линияси тортилади. Проект ишлари, шунингдек ёрдамчи станцияни қуриш иши «Теплоэлектропроект» институтининг Тошкент бўлимига топширилди. (ЎзТАГ).

Дала шийпонлари учун

Чирчиқ шаҳар саноат комбинати Бўстонлиқ, Оржоникидзе ва Юқори Чирчиқ районларидаги колхоз ва совхозлар, МТСлар ҳамда шу қишлоқлардаги маданий-маиший муассасалар учун яхши хизмат кўрсатмоқда. Бу корхона коллективи мазкур районлардаги колхозлардан дала шийпонлари учун 250 стол, 1500 дона табуретка тайёрлаб бериш тўғрисида заказ олган эди. Бу заказ муддатидан 15 кун олдин бажарилди.

Дала шийпонларига стол, стул ва бошқа мебель маҳсулотлари ишлаб беришда комбинат мебель цехининг Абдурафиев, Нафиев, Панарин ўртоқлар сингари ўнлаб илғор ишчилари алоҳида ташаббус кўрсатмоқдалар.

Бригада бошлиғи ўртоқ Штурбабиннинг ташаббуси билан яқинда столлар фасонини йўнадиган юқори иш унумли фрезер қўлланила бошланди. Ўртоқ Штурбабин яна фрезер станогига 24 детали бир йўла ишлаш имкониятини яратиб берадиган мослама ўрнатди. Бу тадбир меҳнат унумдорлигини бир неча ҳисса ошириш имкониятини берди.

П. ВЛАДИМИРОВ.

ВЦСПС Фахрий ёрлиғи

Илғор корхоналар ва ташкилотларнинг коллективларини, ишчиларни, инженер-техник ходимларни ва хизматчиларни, қишлоқ хўжалик илғорларини, фан ва маданият арбобларини, касаба союз активларини ва касаба союз ходимларини социалистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришганликлари ва ижодий ташаббус кўрсатганликлари учун рағбатлантириш мақсадида ВЦСПС Фахрий ёрлиғи таъсис этилди.

ВЦСПС Ёрлиғи билан қуйидагилар мукофотланади:

Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақасида йил давомида биринчиликни олиб келган илғор коллективлар, қимматли починларнинг ташаббускорлари бўлган корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек юбилей кунлари мусобақати билан айрим корхона ва муассаса коллективлари. Ёрлиқлар ҳар бир ҳолда ВЦСПС Президиумининг қарори билан берилади.

Социалистик мусобақани ривожлантиришда, илғор тажрибани ёйишда, ишлаб чиқариш оммавий ва маданий-тарбиявий ишларни яхшилашда, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароитини ва турмуш шароитини яхшилашда эришган муваффақиятлари учун, шунингдек бирор касаба союзининг юбилейи муносабати билан касаба союзларининг Марказий, республика, область, ўлка, район, шаҳар комитетлари ва касаба союз советлари, шунингдек фабрика-завод комитетлари, маҳаллий комитетлари, касаба союзларининг кўнгилли спорт жамиятлари кенгашлари ҳамда маданий муассасалари;

Меҳнат унумдорлигини оширишда, машиналардан, механизмлардан ва ускуналардан фойдаланишда, хомашё ва материалларни, ёқилғи ва электр қувватини тежашда, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва чорвачиликнинг маҳсулдорлигини оширишда катта муваффақиятларга эришганликлари учун, шунингдек тармоқ аҳамиятига ва тармоқлараро аҳамиятга эга бўлган қимматли новаторлик таклифлари, рационализаторлик таклифлари ва ихтироълар учун ишлаб чиқариш новаторлари бўлган ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари;

Ўз соҳаларида алоҳида ютуқларга эришганликлари учун маданий муассасалар, тамоша корхоналари, фан, маданият ва спорт ходимлари,

Ишчи ва хизматчиларга намунали медицина хизмати кўрсатганликлари учун даволаш муассасалари ва медицина ходимлари;

Совет касаба союзлари олдида турган вазифаларни ҳал этишда актив қатнашганликлари учун касаба союз активлари ва касаба союз ходимлари.

Фахрий ёрлиқлар билан мукофотлаш касаба союз Марказий комитетлари, касаба союз советлари, ВЦСПС бўлимлари ва бошқармаларининг тақдимига мувофиқ ВЦСПС Президиуми томонидан ўтказилади.

ВЦСПС Президиумининг Ёрлиқ қарорлари «Труд» газетасида эълон қилинади. Цехларда, қизил бурчакларда, клубларда, паркларда мукофотланганларнинг портретлари қўйиладиган махсус витриналар ва стендлар ўрнатилади.

Фахрий ёрлиқлар ишчиларнинг, инженер-техник ходимларнинг ва хизматчиларнинг йиғилишларида ВЦСПС Президиумининг аъзолари томонидан ёки ВЦСПС Президиумининг топшириғига мувофиқ ВЦСПС аъзолари, касаба союзларининг марказий, республика, ўлка, область комитетлари ва советлари президиуми аъзолари томонидан топширилади. (ТАСС).



Тошкентдаги Лабзак кўчасида кўпгина қурилиш ишлари олиб борилмоқда. **Суратда:** Шайханта ҳур ГЭСи ишчилари учун қурилган янги уй-жой биносининг кўринишиси.

А. Котулев фотоси.

Колхоз ва совхозларда пахта териш ҳамда тайёрлаш юзасидан белгиланган графикни ошириб бажариш учун курашайлик!

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Область совхозларида пахта териш ва тайёрлаш суръатини кескин оширайлик

Пахта йиғим-терими бошлангандан бери 20 кунга яқин вақт ўтди. Шу муддатда йиллик пахта тайёрлаш планининг графикда белгиланган қисмини бажариш учун областимиз колхоз ва совхозларида барча имкониятлар бор эди. Ана шу қулай фурсатдан тўла ва унумли фойдаланган колхозлар, совхозлар дастлабки натижаларга эришдилар. Пискент районидаги Молотов номли колхоз, Бўка районидаги 6-«Кўкорол» совхози ҳозиргача планнинг анчагина қисмини бажариб қўйдилар.

Йиғим-терим ишлари яхши уюштирилган ва далада меҳнат қилаётган колхозчилар, совхоз ишчиларига қулай шароит яратиб берилган жойларда пахта териш графиги ҳам, давлатга пахта топшириш ишлари ҳам яхши адо этилаётир. Лекин йиғим-теримнинг ҳозирги қизғин кунларида ишга яроқли барча кишилар далага тўла жалб қилинмаган, ишлаётганлар учун қулай шароит яратиб берилмаган жойларда ҳар куни ҳам график бажарилмай қолаётир. 4-«Боёвут» совхозида 12 сентябрга берилган сводкада 1,02 процент миқдорида пахта тайёрланганлиги кўрсатилган эди. Кечаги сводкага қарагганда шу совхоз атиги 0,71 процент миқдорида пахта тайёрлапти. Умуман Боёвут районидаги совхозлар пахта териш ва тайёрлашда шу район колхозларидан анча орқада қолмоқдалар. Район совхозлари пахта терими бошлангандан бери бирор кун ҳам, ҳатто бир процентга етказиб пахта топширганлари йўқ. Ваҳоланки, район колхозлари терим суръатини кучайтириш учун астойдил ҳаракат қилиб, кечаги кунга 1,09 процент миқдорида давлатга пахта етказиб берганлар.

Боёвут группасидаги совхозларнинг раҳбарлари ўтган йилги қолоқликни бу йил ҳам такрорламоқдалар. Агар шу, сентябрь ойида йиғим-терим ишларини кескин кучайтириш учун ҳаракат қилинмаса, бу йил ҳам ўтган йилдаги сингари йиллик пахта тайёрлаш плани бажарилмай қолиши мумкин.

Боёвут район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари совхозлардаги аҳволни чуқур ўрганиб, бу ерларда йиғим-терим ишларини тезлатиш учун зарур бўлган барча тадбирларни кўришлари керак.

Бекобод районидаги «Далварзин» совхозларида ҳам, Сирдарёдаги «Малик» совхозида ҳам, Қуйи Чирчиқ районидаги «Узбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ҳам ҳозирги аҳвол қониқарли эмас. Эҳтимол, ана шу совхозларнинг раҳбарлари пахта териш машиналари ишга туширилгач, суръатни кучайтирамиз, деб айтарлар. Афсуски, мана шу совхозларда машина билан пахта териш муддати яқинлашиб қолаётган бўлса ҳам, ғўзаларга цианамит кальций сепиш машинага ажратилган далаларни тайёрлаш, пахта териш машиналарини ремонт қилиш мутлақо қаноатланарли эмас. Ҳозирча улар машинага ишониб терим суръатини кучайтирмаётганлари сингари, машина билан пахта теришга ҳам жуда ёмон тайёргарлик кўрмоқдалар.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари совхоз директорларидан, партия ташкилотларидан пахта теримини ҳар тарафлаҳа кучайтириб юборишни талаб қилиш билан бирга, машина билан пахта теришга тайёргарликни ҳам текширишлари, бу соҳадаги камчиликларни тезда тугатиш йўлларини ахтариб топишлари зарур.

Областимиз совхозларининг пахта йиғим-теримида колхозлардан орқада қолишларига ҳеч қандай асос йўқ. Улар дала ишларини пухта уюштирсалар, ишга яроқли барча кишиларни теримга чиқара олсалар, ишчилар, хизматчилар учун яхши ғамхўрлик кўрсаларгина пахта териш ва тайёрлаш юзасидан берилган графиклар албатта бажарилади.

Сентябрда йиллик планни 75 процент бажариш учун

Сирдарё районидаги илғор колхозларда пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик кўрилганлиги сабабли терим тез суръатлар билан давом этаётир.

Гектаридан 32 центнердан ҳосил олиш учун курашаётган Тарас Шевченко номли колхоз аъзолари йиғим-терими айниқса зўр уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар. Колхозда 7-8-15 мингчилар ҳаракати кенг авж олиб кетди. 148 теримчи камида 10 минг килограммдан пахта териш учун курашмоқда. Колхознинг энг илғор теримчиси ўртоқ Ҳосила Умарова ўтган йили 14 тонна пахта териб берган эди. У, бу йил 18 тонна пахта теришга сўз бериб, биринчи беш кунликда кунига 160-220 килограммдан пахта терди ва хирмонга 1169 килограмм пахта топширди. Шунингдек Исмат Умаров, Саодат Носирова, Розия Тиллаева ва М. Суюнова каби моҳир теримчилар ҳам ҳар куни 150-180 килограммдан «оқ олтин» термоқдалар.

Сентябрда йиллик планни 75 процент миқдорида бажариш учун курашаётган Охунбобоев номли колхознинг аъзолари ҳам пахта териш ва топширишда районда биринчи ўринларда бормоқдалар. Колхознинг ўртоқ Обид Пўлдошев бошлиқ бригадасида терим ишлари ва меҳнат айниқса яхши ташкил этилган. Бу бригада аъзолари ўтган йил 104 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил олган эдилар. Улар бу йил 140 гектар ернинг ҳаммасида ғўзани квадрат-уялаб ўстириб, экин парваришини яхши ўтказдилар. Натижада ҳамма далаларда мўл ҳосил етишди. Шунинг учун бригада аъзолари бу йил ҳар гектардан плондаги 32 ўрнига 36 центнердан пахта топширишга аҳд қилдилар.

— Мўл ҳосил етиштиришга етиштирдик,—дейди бригада бошлиғи ўртоқ О. Пўлдошев,—энди ҳамма гап ана шу ҳосилни сира нобуд қилмай териб олишда. Бунинг учун биз сентябрь ойида йиллик планнинг камида 75 процентини бажаришимиз зарур.

Ҳақиқатан ҳам бригадада терим суръати борган сари тезлашмоқда. 68 теримчининг ҳар бири кунига ўрта ҳисобда 110 килограммдан пахта тераётган бўлса, илғор теримчилардан Эргаш Миразимов, Аброр Раҳимов, Аъзам Асадов, Собира Манзитова ва бошқалар ҳар куни 150, 180, ҳатто 200 килограммдан пахта тераётирлар.

Ворошилов номли колхоз аъзолари ҳам терим суръатини кучайтириб, ҳозир кунига давлатга 16-18 тоннадан, яъни йиллик планнинг 1,5-1,7 процентига миқдорида пахта топшираётирлар. Колхознинг 1-бригада аъзолари (бошлиғи ўртоқ А. Хайриддинов) ҳаммадан олдинда бормоқдалар. Улар ҳозир кунлик графикни икки баравар ва ундан ҳам ошириб бажармоқдалар. Улбаш Акажонова, Норгул Эриазарова, Иқбол Хайриддиновалар каби илғорлар эса ҳар куни 134-168 килограммдан пахта териб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Шундай қилиб, Сирдарё районининг илғор колхозларида пахта тайёрлаш анча тез суратлар билан олиб борилмоқда. Район колхозлари ўз имкониятларини янада кўпроқ сафарбар этсалар, илғорлар тажрибасидан фойдаланса лар, бу йилги йиғим-терим ишларини ҳар йилгидан анча барвақт тугаллаш мумкин бўлади.

Қ. НУРАНОВ,
С. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
А. МУҲИДДИНОВ.

Тошкент область ижроия комитети ва область партия комитетида

Тошкент область ижроия комитети ва Узбекистон КП область комитети пахта териш ва тайёрлаш юзасидан районлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1 сентябрдан 10 сентябргача бўлган якунини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар:**

Область ижроия комитети ва Узбекистон КП область комитетининг кўчма Қизил байроғи **Пискент районига** (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Латипов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Усмонов**, ёмкта заводининг директори ўртоқ **Тўрақулов**) топширилсин.

Бу район сентябрь ойининг 10 куни мобайнида олинган мажбуриятнинг 12,72 процентга миқдорида пахта топшириб, пахта тайёрлаш юзасидан олинган мажбуриятни 15,17 процент миқдорида бажарган, шу билан бирга, тайёрланган пахтанинг яхши сифатли бўлишини таъминлаган.

Область ижроия комитети ва область партия комитети сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида пахта териш ва тайёрлашда Охангарон райони колхозларининг яхши ишлаганлигини қайд қилиб ўтдилар.

* ПАХТА ТЕРИМИ ИЛҒОРЛАРИДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК! *

Н. ХАЗИБОВА,
Боёвут районидаги Жданов номли колхознинг илғор теримчиси. У, бу йил 15 тонна пахта териш мажбуриятини олган.

Н. АБДУЖАЛИЛОВ,
Оққўрғон районидаги 2-МТС нинг механик-ҳайдовчиси. У, машина билан 70 тонна пахта териб беришга аҳд қилган.

Н. АХАТОВА,
Ўрта Чирчиқ районидаги Ильич номли колхознинг бригадири. Уста пахтакор бошлиқ бригада гектаридан 30 центнердан ҳосил топширишни учун курашмоқда.



У. ШЕРБЕКОВ,
Бекобод районидаги Маленков номли колхозда хизмат қилади. У, бу йил машина билан 50 тонна пахта териш учун ўз агрегатини мавсумга тахт қилиб қўйди. В. Салов фотолари.

Кўпминг килограммчилар сони кўпаймоқда

Чиноз районидаги «Узбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида бу йил ҳам ўтган йилдагидек мўл ҳосил етиштиридли. Колхозчилар бунга ғўзаларни ўз вақтида юқори агротехника муддатларида парвариш қилиш туфайли эришдилар. Шу колларда колхозчиларнинг бутун эътибори ана шу мўл ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай йиғиб-териб олишга қаратилган. Бунинг учун колхозда барча имкониятлар бор. Бригада ва звеноларда хирмон ерлар суваниб, тахт қилиб қўйилган, теримчилар етарли миқдорда қоп-қанорлар билан таъминланган, тош ва тарозилар шай қилинган.

Коммунист Абдураимов бошлиқ бригаданинг 52 гектар пахтазори бор. Бу ерларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун курашиб, ғўза парваришни ҳар тарафлама уюшқоқлик билан ўтказилди. Бригада аъзоларининг меҳнати зойи кетмади, ғўзалар серҳосил бўлиб етилди. Бригаданинг меҳнатсевар аъзолари ҳосилни йиғиб-териб олишга бошқаларга қараганда эрта киришдилар. Теримчилардан Г. Фарахшина, Н. Мунирова каби ўртоқлар ҳар куни 130-140 килограммдан пахта термоқдалар. Мавсумда 15 минг килограмм пахта териш мажбуриятини олган илғор теримчилардан Н. Масагутова, Р. Усмонова, Д. Иброҳимовалар ҳам кундалик нормаларини 2-3 ҳиссага етказиб бажараётирлар.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Чевар теримчилар қатори ўсмоқда

БЎКА, (УзТАГ). Бўка районининг колхозлари давлатга пахта топшириш суръатини кучайтирмоқдалар.

Ишлар йиғим-терим кампаниясининг биринчи кунлариданоқ ҳосилни жадал териб олиш ташаббускори бўлмоқдалар. Хрушчев номли колхознинг ўтган йили 26 минг килограмм пахта терган доңғор теримчиси ва звено бошлиғи Саодат Гулаҳмедова бу мавсумда ўтган йилдагидан ҳам кўпроқ пахта териш мажбуриятини олди. У ҳозир ҳар куни 200 килограмм ва ундан ҳам ортиқ пахта тераётир. Унинг звеносидаги ҳамма колхозчи ҳар куни тарозига камида 150 килограммдан пахта топширмоқда.

Райондаги Каганович номли, «XIX партсъезд» ва Мичурин номли колхозларда пахта тераётган комсомолларнинг деярлик ҳаммаси терим бошланганидан буён бир ярим тоннадан пахта териб топширдилар.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ЙИЛ 13 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Охангарон	1,60	19,23
Пискент	1,50	18,03
Мирзачўл	1,44	13,50
Бўка	1,24	13,02
Юқори Чирчиқ	1,43	12,55
Ўртасарой	1,47	12,32
Верхне-волинск	1,44	12,09
Оржоникидзе	1,46	11,85
Янгийўл	1,33	11,78
Гулистон	1,33	11,75
Сирдарё	1,31	11,39
Оққўрғон	1,32	10,81
Бекобод	0,98	10,80
Боёвут	1,09	10,34
Бўстонлиқ	2,08	10,32
Чиноз	1,12	10,29
Ўрта Чирчиқ	1,11	9,88
Октябрь	1,04	9,29
Калинин	0,88	7,62
Қуйи Чирчиқ	0,95	6,2

Бекободда амалий иш ўрнига мажлисбозлик

6 сентябрь куни Бекобод районида кўп кишилар жуда эрта уйғондилар. Колхоз раислари, совхоз ва МТС директорлари, партия ташкилотларининг секретарлари, агрономлар, райком инструкторлари тонг саҳарлаб ўринларидан туриб йўлга отландилар. Улар далаларда пахта териш ишини ташкил қилиш учун эмас, район марказига етиш учун шошилардилар. Район марказидан 70-80 километр нарида бўлган Чаноқдаги колхоз раҳбарлари ҳам, жумабозорликлар ҳам, қоладерса, қиётликлар ҳам уйқудан турасолиб, машиналарга ўтирдилар, бу машиналарнинг ҳаммаси ҳўкиздаги чангитганича, район марказига қараб жўнадилар. Соат 8 бўлмасдан, район партия комитети биносининг олди жуда гавжум бўлиб кетди. Бу ер худди кечки пайтдаги пахта пунктини эслатарди. Одамлар кўп, машиналар тикин, ҳаммаёқ говурғувур билан тўлди.

Соат 9 дан ошганда бу одамлар ичкарига таклиф этилди. Лекин ичкарида кимларга жой тегди, кимларга тегмади, райком секретарининг кабинети ҳам, қабулхонаси ҳам одамлар билан лиқ тўлди. Бўш одамлар коридорларда тик туриб қолди. Кабинетдан жой олганлар мирқиқ сўз тинглаган бўлсалар ҳам, ташқарида қолганлар мажлиста келгандай ҳам бўлмадилар. Улар нукул бўйин чўзиб, қўлларини қулоқларига қарнай қилсалар ҳам бирор сўз эшитолмасдилар. Сўз эшитолмай, жумбоқ ечгандай хаёл суриб ўтиришдан ёмони йўқ.

Талай вақтдан кейин ичкарида ўтирган одамлар кўзгала бошлади. Ташқаридагилар 3 соат ўтириб, ув оғиз сўз эшитолмаган бўлсалар ҳам «Ҳайрият мажлис тамом бўпти» деб суюниб кетишди. Худди шу пайтда «шошма-шошма!» деган хитоб эшитилди, унинг орқасидан райком секретари ўртоқ Каримов: «10 сентябрда эрталаб соат 7 да райкомнинг бюроси бўлади, ҳамма кечикмай етиб келсин», — деди.

Узоқ-яқиндан қанча йўл юриб келган, мажлисдан бирор наф ололмай кетаётганлар орасида ҳар хил сўз эшитила бошлади. Улар «яна мажлис бўларкан-да». «Иш қиламизми ёки район билан колхоз ўртасида қатнаб кун ўтказамизми?», «Шунақа мажлислар билан қаноатларимиз тўлиб қолармикан?!. дер эдилар. Айрим колхоз раҳбарлари «райкомдан топшириқ олиб, ўнг колхозчиларга етказмай туриб, яна райкомга чақирилаверар эканмизда», деб бир-бирларига ҳаёрат қилганларича мажлисдан чиқиб кетдилар. Бу одамларнинг ранжиб гапиришлари, бу хилда киноя қилишлари, албатта, бечиз эмас. Чунки районда 30 августда ҳам, 31 августда ҳам, 2 сентябрда ҳам шунақа мажлислар бўлиб ўтган, қисқаси, пахта терими бошлангандан бери Бекобод районида мажлисбозлик айниқса авжига чиқиб кетди. Лекин пахта терими суръатида силжиш бўлмаяпти. Бу ерда узундан-узоқ, дабдабали гап-сўзлар жуда кўп бўлаяпти-ю, амалий иш эса кам.

Бу йил бекободликлар дастлаб жуда хурсанд бўлган эдилар. Уларнинг бири: «Яқин йиллар ичида районда бунақа пахта бўлмаган» деса, яна бири: «Ҳаммадан ҳам пахтанинг эрта пишганини айтмайсизми, ҳар йили тухумдай-тухумдай кўсаклар очилмай, бизни хуноб қиларди, бу йил унақа эмас, ишимиз юришиб кетади» дея ҳамма хурсанд бўлиб сўзларди. Кўпчилик районда пахта терими тез орада қизитиб юборилади деб умид қилган эди. Аммо иш кутганча бўлиб чиқмаяпти.

Дарҳақиқат бу йил районда ҳар қачонгидан қулай аҳвол бўлишита, бутун имкониятлар мавжудлигига қарамай, пахта терими қизитиб юборилмаган. Аксинча, районда хотиржамлик, суст кашлик кайфияти сезилиб турибди. Район раҳбарлари эса барча кучни теримга сафарбар этиш, ишни тўғри ташкил қилиш, кундалик графикни тўла ва ошириб бажаришни таъминлаш ўрнига мажлисбозлик билан овора бўлиб қолмоқдалар.

Маленков номли, Молотов номли, «Большевик», «Красний хлопкороб» каби бир қатор колхозларда пахта терими бирмунча дуруст уюштирилган. Бу колхозларда кунига бир процентдан ошириб пахта теримоқда. Лекин райондаги 18 колхоздан 11 тасида кундалик терилаётган пахта 0,5-0,9 процентдан ошмайди. Айниқса, Крупская номли, «Янгиобод», Ворошилов номли, Буденний номли, Мичурин номли, Энгельс номли ва «Социализм» колхозларида терим суръати ниҳоят даражада паст. «Социализм» колхозининг раиси ўртоқ Нормат Рўзиматов сингари айрим раҳбарлар райондаги мажлисларда, «ташкил қиламиз, уюштирамиз, ишни тезлаштирмасак бўлмас экан», деб қуруқ ваъда беришдан нарига ўтмаётирлар. Ўзлари тузган графикни ўзлари бажармайдилар. Колхоздаги мавжуд ишчи кучларини теримга тўла сафарбар этиш тўғрисида қайтирмаётирлар.

Айрим колхозларда пахтани сифатли ва тоза теришга етарли эътибор берилмаётир. Қиётдаги Сталин номли колхозда хирмонлар, хирмон атрофлари ниҳоят даражада ифлос. Пахталар қум ва ташкаларга аралашиб, ифлос бўлмоқда, сифати бузилмоқда. Шунинг учун бу колхоз пунктга ифлос пахта топширгани учун 3 минг сўм жарима тўлади. Айни аҳволни Молотов номли колхозда ҳам кўриш мумкин. Бу колхоз ҳам 4 минг сўм жарима тўлади.

Район раҳбарлари билан пахта териш суръатининг нима учун пастлиги тўғрисида суҳбатлашиб қолсангиз, улар дарҳол, колхоз ва совхозларда куч етарли эмас, деб ноғий бошлайдилар. Лекин мавжуд кучлардан 2500 киши ҳалигача теримга жалб этилмаганлиги уларни безовта қилмаётир.

Район партия комитетининг раҳбарлари (райком секретари ўртоқ И. Каримов) пахта териш машиналарини тайёрлаш тўғрисида сира қайгирмайди. 6 сентябрдаги бюро мажлисида жуда кўп гап бўлди. Маҳсулот тайёрлашдан тортиб кузги шудгор, трактор ремонтигача кўп гапирилди. Аммо пахта териш машиналарининг ремонти, ғўза баргларини сунъий равишда тўкиш, машина билан пахта теришга далаларни тайёрлаш ҳақида оғиз ҳам очилмади.

Биринчи МТС бош агрономи ўртоқ Чимахала билан суҳбатлашганимизда у, шикоятомиз гапира бошлади:

— Машиналарнинг ремонтита район раҳбарларининг ўзлари эътибор бермаётирлар. Бир неча марта эслатишга қарамай, МТС зонасидаги 8 колхоздан бирортаси ҳам халигача ғўза баргларини сунъий тўкиш учун ишлатиладиган дориларни ташиб олмай, ишни пайсалга солмоқда. Бунинг устига МТСда 80 та пахта териш машинасидан хали 40 таси ремонтдан чиқарилмаган. Райондаги 2 ва 3-МТСларда ҳам аҳвол айнан шундай. Бу муҳим масалани ҳал этишга ҳам район раҳбарлари эътибор бермаётирлар.

Бекобод район раҳбарлари қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда эскириб қолган методлардан қатъий воз кечишлари, колхозларда пахта йиғим-теримини ҳар томонлама кучайтиришни таъмин этадиган бутун чораларни амалга оширишлари, берилган топшириқларнинг бажарилишини изчиллик билан текшириб, ишдаги камчиликларни тезда бартараф қилишлари керак.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Илғор тажрибани ўрганайлик

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда эришилаётган муваффақиятлар ва бунга ҳисса қўшаётган новаторлар, илғорлар иши қонет халқи олдида намойиш қилинаётган Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси — агробиология таълими, илғор тажриба билан танишиш, уни ўрганишнинг чинакам мактаби бўлиб бормоқда.

Уч йил давомида областимиз колхоз, совхоз ва МТСларидан минглаб кишилар виставкани бориб кўрдилар. Табиий, улар виставкага қуруқ томошабин бўлиб бормадилар, балки виставкадаги воқеликни батафсил ўрганиш, ундаги илғор методларни ишда қўлланишда муҳим билимларни олиб келмоқдалар. Бу колхоз, совхоз, МТС ишлаб чиқаришини юксалтиришда ижобий натижа, фан ва техниканинг прогрессив методларини тўғри жорий этишга амалий ёрдам беради.

Бу йил виставка очилгандан бери областимиз колхоз, совхоз, МТСларидан 1700 киши виставкани бориб кўрди. Булар орасида колхозчи, тракторчилар, далачилик бригадалари, звенолари, трактор бригадалари бошлиқлари, агроном, зоотехник, механик, инженерлар, колхоз раислари, полеводлар, МТС директорлари ва бошқалар бор. Бу йил ҳам Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасини пахтакорлар билан бир қаторда ипакчилар, чорвачилар, сабзавотчилар, боғбонлар, ғаллакорлар бориб кўрдилар.

Бу йил айрим район ташкилотлари ишлаб чиқариш принципига кўра, касбдошларни группалаб виставкага юбордилар. Сирдарё район ташкилотлари ҳатто 13 кишидан иборат колхоз раислари группасини ҳам тузган. Экскурсияни группалаб уюштириш натижасида касбдошлар виставкадаги ўзларига тегишли предмет тўғрисида кенг фикр алмашиб, кўп нарса ўрганмоқдалар.

Областимиздаги 345 колхознинг ҳозиргача 270 тасидан виставкага экскурсиячилар юборилди. Виставка сентябрь, октябрь ойларида ҳам ўз ишини давом эттиради. Шунинг учун барча колхозлар илғор колхозчиларни, албатта, виставкага юборишлари — илғор тажриба ютуқларидан баҳраманд бўлишлари керак.

Ф. ЗАБЕЛИН.

Зўр уюшқоқлик билан

«Ленинобод» колхозининг ўртоқ Т. Ғазатов бошлиқ бригадаси 65 гектар майдонда квадрат-уялаб ўстирилган ғўзаларни намунали парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди. Бригада аъзолари етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишга ҳар тарафлама пухта тайёрландилар ва колхозда биринчи бўлиб теримга киришдилар.

Шу кунларда колхозда пахта териш суръати тобора кучайиб бормоқда. Бригаданинг Ражабов, Усмонжиёров ва Мамедова ўртоқлар каби илғор теримчилари ҳар куни 120-130 килограммдан пахта териб, бригадада йиллик планнинг 2,5-3 процентга миқдорида пахта тайёрланишини таъминламоқдалар.

Шу бригада билан мусобақадош ўртоқ Каримов бошлиқ бригадада ҳам пахта терими яхши йўлга қўйилган. Бригаданинг Абдуллаева, Орипова, Умматова, Абдужалилова каби чевар теримчилари кундалик нормаларини 2,5-3 ҳиссадан бажараётирлар.

З. БОЛТАЕВ,
Оққўрғон райони.

Дастлабки муваффақиятлар

Оржоникидзе районидаги Маленков номли колхоз аъзолари терим суръатини кун сайин ошириб, давлатга тобора кўпроқ пахта топширмоқдалар. Бригада ва звеноларда меҳнат интизоми яхши йўлга қўйилган, ишга яроқли кишиларнинг барчаси йиғим-теримга актив қатнашаётгани туфайли кунлик график ортиги билан бажарилаётир. Колхозчилар юқори сифатли пахта теришга ҳаракат қилмоқдалар.

Колхоз правленияси (раиси ўртоқ Р. Эгамбердиев) ва партия ташкилоти (секретари ўртоқ Т. Усмонов) теримчиларнинг унумли ишлаши учун барча шароитларни яратиб берганлар. Марказий болалар боғчаси ва 17 ясли ишлаб турипти.

Пахта теримига 700 киши қатнашиб, уларнинг ҳаммаси кундалик нормани ортиги билан бажармоқда. Х. Усмонова, Р. Ахролова, Р. Муслимова, М. Ғуломова, Н. Абдужабборова каби ўртоқлар ҳар куни 60 килограмм ўрнига 100-120 килограммдан пахта тераётирлар. Коммунист А. Шерматов бошлиқ бригада аъзолари ҳозиргача йиллик планнинг учдан икки қисми миқдорида пахта топшириб, дастлабки ютуқларни қўлга киритдилар.

Ю. МАҲКАМОВ.

Пахтани тез ва нобуд қилмай териб олмоқдалар

ЧУҚУРСОЙ. (УзТАГ). Калинин районидаги «Победа октября» колхозининг аъзолари йиғим-терим кампаниясини муддатидан илгари тамомлаш учун муваффақият билан курашмоқдалар. Колхознинг ҳамма бригадаси белгиланган графикни ошириб бажараётир. Кунда терилган пахта кечқурун тайёрлаш пунктига олиб бориб топширилмоқда. Колхоз кунда давлатга йиллик планнинг якки процентга миқдорида пахта топшираётир.

Нормани уч ҳисса ошириб бажараётган энг яхши теримчи Шакар Абдурахмонова ва комсомол аъзоси Ольга Протопкова кўпгина звеноларда бўлиб, юзга яқин кишига ўз методларини ўргатдилар.

Колхоз правленияси ва партия ташкилоти илгари бошқа ишлар билан банд бўлган 40 кишини қўшимча равишда пахта териш учун ажратдилар. Ҳозир колхозда ҳар бир теримчи нормадаги 60 килограмм ўрнига ўрта ҳисоб билан 80 килограммдан пахта термоқда.

Колхозда ҳосил нобудгарчилигига қарши кураш ишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Кўчаларга яшиклар қоқиб қўйилган. Бу яшикларга тўкилиб қолган пахталар териб солинади.

Кўрилган чоралар натижасида «Победа октября» колхози пахта териш суръати жиҳатидан районда биринчи ўринда бормоқда. Қишлоқ хўжалик артелининг аъзолари ўз мажбуриятларини Улуғ Октябрь байрамигача бажариш учун мусобақалашмоқдалар.

Терим суръати ортиб бормоқда

Верхне-волинск район колхозларида пахта йиғим-терими оммавий тус олди. Райондаги «Победа» колхозида ҳам пахта йиғим-терими суръати кучайтирилмоқда. Бригада ва звеноларда иш ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил қилинган. Ўртоқ Э. Файзиев бошлиқ бригада аъзолари биринчилар қаторида йиғим-теримга киришиб, ҳар куни 1,5-2 процент миқдорида пахта топшираётирлар.

Бригада аъзоларининг унумли ишлаши учун қулай шароит яратиб берилган. Тош ва тарозилар хирмонларга яқин ерларга ўрнатилиб, теримчилар етарли миқдорда қоп ва қанорлар билан таъмин этилган. Шунинг учун ҳам терим суръати кундан-кунга кучайиб, иш унуми ортиб бормоқда.

Шунингдек, райондаги Свердлов номли, Куйбишев номли, К. Маркс номли, Хрушчев номли колхозларда ҳам пахта йиғим-терими уюшқоқлик билан ўтказилаётир.

Қ. ҚУРБОНБОЕВ.

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ЙИЛ 13 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Совхозлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
6-«Кўкорол»	1,25	17,05
Булганин номли	0,91	15,66
«Дружба»	0,76	11,14
2-«Далварзин»	0,79	9,68
1-«Фарҳод»	0,89	9,56
4-«Вревский»	1,40	9,09
4-«Боёвут»	0,71	8,64
3-«Боёвут»	1,01	8,63
1-«Боёвут»	0,93	8,49
1-«Далварзин»	0,83	8,13
«Оққўрғон»	1,35	6,99
«УзССР беш йиллиги»	0,95	6,20
«Малик»	0,93	5,91
Бушуев номли	1,04	5,0

Хитой Коммунистик партияси VIII съездининг очилиши олдидан

ПЕКИН, 12 сентябрь. (ТАСС). 15 сентябрда Пекинда Хитой Коммунистик партиясининг VIII съезди очилади. Хитой Коммунистик партияси сафларида 10 миллиондан ортиқ киши бор. Съезд партиянинг 1945 йилда бўлиб ўтган VII съездидан кейинги даврда қилинган ишлар тўғрисида партия Марказий комитетининг ҳисобот докладини тинглайди ва муҳокама қилади, ХХР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг иккинчи беш йиллик плани ҳақидаги директиваларни ва Хитой Коммунистик партиясининг Уставига киритиладиган ўзгаришларни муҳокама қилади, раҳбар органларнинг янги составини сайлайди.

Съездда ҳал қилувчи овоз ҳуқуқи билан 1026 делегат ва маслаҳат овози ҳуқуқи билан 107 делегат қатнашади. Хитой Коммунистик партияси Марказий комитетининг секретари Лю Шао-ци съездда Марказий комитетнинг ҳисобот докладини қилади. Хитой Коммунистик партияси Марказий комитетининг секретари Чжоу Энь-лай иккинчи беш йиллик план юзасидан директивалар тўғрисида, Хитой Коммунистик партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Дэн Сяо-пин партия Уставига киритиладиган ўзгаришлар тўғрисида доклад қилади.

ИНДОНЕЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИ СУКАРНО БЕЛГРАДГА КЕЛДИ

БЕЛГРАД, 12 сентябрь. (ТАСС). Индонезия Республикасининг президенти Сукарно махсус самолётда бутун Москвадан Белградга келди.

Земун аэродромида президент Сукарнони ЮФХР президенти Иосип Броз Тито, Иттифоқ ижроия веҳесининг раиси ўринбосарлари Э. Кардель, А. Ранкович ва С. Вукманович, Сербия Халқ скупщинасининг раиси П. Стамболич, давлат секретарлари, Иттифоқ ижроия веҳесининг аъзолари, Югославия халқ армиясининг генераллари ва бошқа масъул арбоблар кутиб олдилар.

Президент Сукарнони Совет Иттифоқининг Белградлаги элчиси Н. П. Фирюбин ҳам кутиб олди.

СОВЕТ ВАКИЛИ ПАРЛАМЕНТЛАР БОШ СЕКРЕТАРЛАРИ АВТОНОМ СЕКЦИЯСИНИНГ МАЖЛИСИДА ҚАТНАШИШ УЧУН ЖУНАБ КЕТДИ

СССР Парламент группасининг аъзоси, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутати А. Е. Петрушев ва Миллатлар Совети Қонун лойиҳалари комиссияси секретариатининг мудири С. Г. Новиков Парламентлараро Иттифоқнинг парламентлар бош секретарлари Автоном секцияси мажлисида қатнашиш учун 12 сентябрда Москвадан Парижга учиб кетдилар.

СССРДАГИ ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ҚОМИТЕТИДА

Яқинда СССРдаги ёшлар ташкилотлари Комитети Президиумининг мажлиси бўлди.

Президиум Жаҳон демократик ёшлар Федерацияси Кенгашининг ишида қатнашган совет ёшлари делегациясининг ҳисоботини тинглади ва маъқуллади. Жаҳон демократик ёшлар Федерацияси Кенгашининг август ойи охирларида Софияда бўлиб ўтган мажлисларида Федерациянинг ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг дўстона алоқаларини ривожлантириш ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги, федерациянинг бошқа халқаро, маҳаллий ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти муҳокама қилинди. Кенгаш Жаҳон демократик ёшлар Федерациясининг бу фаолиятини тўғри деб топди.

Шу билан бирга Кенгаш таъкидлаб ўтдики, ёшларнинг яхши келажакка, тараққиёт ва тинчликка бўлган интилишларини рўёбга чиқариш учун курашда ҳозир бутун дунё ёшлари олдида ҳозир ва тобора масъулиятли вазифалар қўйилаётганлиги муносабати билан Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг фаолияти ёшлар томонидан унинг олдига қўйилаётган талабларга янада тўлароқ жавоб бериши лозим.

Федерациянинг фаолиятини якунлаш ва унинг бундан кейинги вазифаларини белгилаш учун Кенгаш 1957 йил ёзида Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг IV конгрессини чақиришга қарор қилди ҳамда Федерация Ижроия комитетига Конгресснинг қатъий кун тартибини ишлаб чиқишни топширди.

Кенгаш ёшлар ва студентларнинг Москвада ўтказиладиган VI Жаҳон фестивалига тайёргарлик кўришда ва уни ўтказишда Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг ва унга кирган ташкилотларнинг актив ва ҳар тарафлама иштирок этишлари юзасидан кенг тавсияномани ҳам қабул қилди.

Комитет Президиуми шу йилнинг охиригача чет эл ёшлар делегацияларини СССРга таклиф этиш ҳақидаги масалани, шунингдек чет элларга совет ёшлари делегацияларини юбориш тўғрисидаги масалани ҳам қараб чиқди.

1956 йилнинг охиригача Хитой, Миср, Албания, Норвегия, Венгрия ёшлари, немис ёшлари делегациялари, Франция ишчи ёшлари делегацияси, Франциядаги болалар ташкилотлари раҳбар ходимларининг, Аргентина — СССР Маданий алоқалар институти ёшлар комиссиясининг делегациялари ва бошқа делегациялар совет ёшларига меҳмон бўлиб келади.

Чет эл ёшларининг таклифига мувофиқ совет ёшларининг делегациялари бу йил Хитойга, Франциягa, Мисрга, Исландияга ва бошқа мамлакатларга борадилар.

СССРдаги Ёшлар ташкилотлари Комитети ҳузуридаги студентлар кенгаши фин студентлари делегациясини, Франция студентлари ва профессорлари делегациясини, шунингдек бир қанча бошқа чет мамлакатларнинг студентлар делегацияларини Совет Иттифоқига келишга таклиф этди.

Совет студентларининг вакиллари шу йилнинг охиригача Югославияга, Италияга ва бошқа баъзи мамлакатларга бориб келадилар.

Умум палатасида Сувайш канали масаласи юзасидан музокаралар

ЛОНДОН, 12 сентябрь. (ТАСС). Бош министр Антони Иден ўз нутқида ҳукуматнинг Сувайш канали масаласи юзасидан кўрган тадбирларини парламент маъқуллади, деб даъво қилди. «Ҳукумат томонидан эҳтиёт юзасидан кўрилган ҳарбий тадбирлар, — деди у, — маъқул тадбирлар бўлди, деб эътироф қилинди». Лейбористлар оппозицияси курсиларида Иденнинг бу сўзлари норозилик хитоблари ва «йўқ» деган хитоблар айтилишига сабаб бўлди.

Шундан кейин Иден палатани ишонтириб айтдики, «ҳукумат масалани тинч йўл билан ҳал этишга эришиш учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўрди ва кўрмоқда. Масаланинг шу тарзда ҳал этилиши Мисрнинг қонуний манфаатларини ҳисобга олиши керак ва ана шу мамлакатнинг ҳамда Сувайш каналидан ҳаётий манфаатдор бўлган бошқа кўпгина мамлакатларнинг манфаатларини тегишинча гарантиялаши лозим».

Сўнгра Иден Мисрнинг Сувайш канали компаниясини национализация қилиш ҳуқуқига эга эканлигини рад этмоқчи бўлди. У Сувайш канали компанияси «1888 йил конвенциясида кўзда тутилган системанинг бир қисми эди» деб даъво қилди ва Миср бу компанияни национализация қилиб, «ана шу системадаги мувозанатни йўқ қилди ва унинг энг муҳим гарантияларидан бирини тугатди», деб даъво қилди. Лейбористлар бу сўзларга: «Беҳуда гап!» деган сўзлар билан жавоб қайтардилар.

Иден Мисрни 1888 йил конвенциясини бузишда айблаб, Сувайш канали компаниясини национализация қилиш ана шу сув йўлида кемаларнинг эркин қатновини хавф остида қолдиради, деган таассуротни вужудга келтиришга уриниб кўрди. (Парламент аъзоларидан бири Иденнинг сўзини бўлиб, Англия кемалари аввалгидек ҳозирда ҳам каналда эркин қатнаш ҳуқуқидан ҳеч моҳнисиз фойдаланмоқдалар, деб эслатиб ўтди).

Иден «Мензис миссияси»нинг ишлари, яъни ғарб давлатларининг Сувайш каналини бошқаришни ажнабийлар қўлига топшириш ҳақидаги талабини Мисрга мажбуран қабул қилдириш йўлидаги уринишлар барбод бўлганлигини эслатиб, яна бундай деди: «Шу сабабли биз француз ва америка иттифоқчиларимиз билан маслаҳатлашиб, бундан кейин қўйидаги қадамимиз нимадан иборат бўлиши керак, деган масалани эътибор билан муҳокама қилдик. Биз улар билан келишиб олиб, каналдан фойдаланувчи мамлакатларнинг ташкилотини дарҳол тузишга қарор бердик... Бу ташкилот ўз характери жиҳатидан вақтинча тузилган ташкилот бўлади. Биз, мазкур ташкилот барча манфаатдор томонларнинг тўла розилиги билан вужудга келтирилиши мумкин бўлган доимий системани яратиш учун замин тайёрлашга ёрдам берали деб ишонамиз».

Иден бу ташкилот асосан қуйидаги характерда бўлади деди: «Қўшма Штатлар, Франция ва биз каналдан фойдаланувчилар ташкилотининг аъзолари бўламиз; каналдан кўпроқ фойдаланувчи бошқа мамлакатларга бизга қўшилиш таклиф этилади... Ташкилот лоцманларни ёллайди ва Сувайш каналида кемаларнинг қатновини мувофиқлаштириб бориш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади ҳамда умуман айтганда, Сувайш каналидан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини амалга оширувчи ихтиёрий ташкилот сифатида иш кўради. Миср маъмурларига кемаларнинг Сувайш каналидан энг кўп қатновини таъминлаш учун ҳамкорлик қилиш таклиф этилади».

Иденнинг айтишича, «Мисрнинг хизмат кўрсатиш учун воситалар бериш эвазига ана шу ташкилотдан Миср тегишли суммани олиши кўзда тутилади. Аммо кемаларнинг Сувайш каналидан ўтиши учун олинадиган йиғимлар Миср органига эмас, балки каналдан фойдаланувчилар ташкилотига тўланади».

Иден илова қилиб айтдики, «Миср ҳукумати бу ташкилотнинг ишига халақит беришга уринган ёки бу билан минимал зарур даражада ҳамкорлик қилишдан воз кечган тақдирда», Англия ҳукумати буни... 1888 йил конвенциясини бузиш деб эълон қилиш ниятидадир. (Иден шу сўзларни айтганида парламентнинг лейборист аъзолари «Қасддан тўқилган провокация!», «Сиз ҳам тинчлик тарафдоримисиз!», «Истеъфо беринг!» деб қичқириштб, унинг сўзини яна бўлдилар). Сўнгра Иден айтдики, бундай ҳолда ҳукумат ва манфаатдор бўлган бошқа томонлар ўз ҳуқуқларини сақлаш учун шундан кейинги зарур чораларни ё БМТ орқали ёки бошқа воситалар билан амалга ошириш тўғрисида келишиб оладилар.

Бу низоъни БМТга ҳавола қилиш тўғрисида берилган саволга Иден қуйидаги жавобни қайтарди: «Бу масалани БМТга ҳавола қилиш эҳтимол тутилганига мен ҳам, ҳукумат ҳам асло қарши эмас. Шундай бўлиши тамомила мумкин, бу чора зарур ҳам бўлиб қолар. Аммо биз ҳозирча рўй берган аҳвол тўғрисида Хавфсизлик Кенгаши раисиня хабардор қилиб, Франция ҳукумати билан биргаликда унга мактуб юборишни ўз бурчимиз деб топдик».

Сўнгра Иден Англия ҳукуматнинг ҳарбий тайёргарликларига тўхталиб бундай деди: «Ҳарбий методлар бундан бир ой илгари мақбул бўлган эди ва ҳозирги кунда ҳам мақбулдир» ва «ҳукумат ўз тадбирларини бўшаштириш ниятида эмас». Шу муносабат билан Иден француз маъмурларининг ҳарбий тайёргарлик тадбирларини ҳам маъқуллаб гапирди.

Иден сўзининг охирида бундай деди: «Масалани тинч йўл билан ҳал этишга эришиш учун бирор имконият бор экан, Англия ҳукумати масалани бундан буён ҳам тинч ҳал этишга ҳаракат қилиш» ниятидадир.

Иденнинг нутқи парламентнинг лейборист аъзоларининг норозилик билдириб айтган луқмалари ва консерваторларнинг қарсаклари билан кўп марта бўлиниб турди.

Лейбористлар оппозициясининг раҳбари Хью Гэйтскелл Иденга жавоб бериб бундай деди: «Афсуски, бош министр томонидан бугун айтилган гапларнинг ҳаммаси мамлакатдаги ихтилофларни янада авж олдириши мумкин, деб айтишим керак».

«Ҳукумат, — деб сўзини давом эттирди Гэйтскелл, — полковник Носир қасддан провокацион чора кўрмаётган ёки агрессия қилмаётган бир пайтда шу йўл билан кучдан фойдаланиш ниятида бўлар экан, ана шу проблемани ҳал этишга эришиш учун шундай ҳаракат қилар экан, мамлакатимиз учун бунинг оқибатлари ҳалокатли бўлади, дейман» (лейбористлар қарсак чаладилар).

Сўнгра Гэйтскелл айтдики, «каналдан фойдаланувчи мамлакатлар ташкилоти»ни тузиш планлари лейбористларни ташвишга солмоқда. «Даставвал шуни айтиш керакки, — деди у, — уларнинг кемаларни каналдан ўтказиш учун ўз лоцманларидан фойдаланажаклари ҳақидаги гаплари... ўта кетган провокацион чора сифатида хавфлидир, деб ҳисоблайман».

Гэйтскелл Сувайш канали Миср территориясидан ўтганлигини эслатиб, бундай деди: «Кемаларнинг бош министр тақдим этган планга мувофиқ ана шу территориядан қандай ҳуқуқлар асосида ўта олишларини тушуниш жуда қийин».

Гэйтскелл Сувайш канали масаласида куч ишлатишни маъқуллаш мумкин эмас, деб таъкидлади.

Умум палатасида музокаралар давом этмоқда

* * *

ЛОНДОН, 13 сентябрь. (ТАСС). Кеча кечқурун Англия умум палатасида Сувайш канали масаласи юзасидан музокаралар давом этди.

Лейбористлар партиясининг раҳбари Гэйтскелллан кейин либераллар партиясининг раҳбари Клемент Дэвис сўзлади. Дэвис ҳам Англия ҳукумати кўрган тадбирларни кескин танқид қилди.

«Бугун мен, — деди Дэвис, — бош министрнинг нутқини эшитганимда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави умуман йўқ экан, деган таассурот пайдо бўлди... Биз қонун учун курашувчилар сифатида дунёдаги бошқа мамлакатларга намуна кўрсатишимиз керак эди. Аммо, ҳозирги вақтда биз бундай қилмаётирмиз».

Консерваторлардан Виктор Рейкс ва Патрик Уолд урушқоқлик руҳида гапириб, Мисрнинг шаънига таъна ва таҳдид қилдилар.

Лейборист Артур Гендерсон бундай деди: Ҳозирги вазият ҳукуматнинг БМТ Уставига мувофиқ ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришга интилиши учун жиддий синов бўлади.

Лейборист Артур Бленкинсон Англия-Франция-Америкининг «каналдан фойдаланувчи мамлакатлар ташкилоти»ни тузиш планларини қоралади. Бу ташкилотдан кузатилган мақсад «Сувайш конфликти»ни кескинлаштиришдан иборат. «Ҳукумат, — деди у, — шундай тадбирларни таклиф қилмоқдаки, бу тадбирлар биз Кипрда ва бошқа жойларда жафо чекаётган вазиятни Сувайш районида ва Миср да яна авж олдиради».

Мажлисда Иден Сувайш канали масаласида ҳукуматнинг тадбирларини маъқулловчи резолюцияни қабул қилишни таклиф этди. Лейбористлар оппозицияси дарҳол тузатиш киритди. Бу тузатишда ҳукуматнинг БМТга мурожаат қилишдан бош тортганлиги қораланади, шунингдек Англия «куч ишлатиш БМТ Уставига мувофиқ бўлган тақдирдагина куч ишлатиш мумкин» ва «ҳар қандай провокацион ҳаракатлардан ўзини тийиб туриши керак» деган талаб илгари сурилади.

Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Бутуниттифоқ жамиятининг таклифига мувофиқ Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Ливан маданият арбоблари делегацияси Тошкентда бўлди. **Суратда:** делегация аъзолари Навоий номли давлат халқ кутубхонасида Ўзбекистонда нашр этилган араб мамлакатларининг ҳозирги ҳаётини акс этт ирувчи адабиётлар, шунингдек араб тилидаги китобларнинг нодир нусхаларини кўздан кечирмоқдалар.

В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ж. Мок жаноблари Тошкентга келди

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуролсизланиш комиссиясидаги Франция вакили, Миллат мажлисининг депутати Жюль Мок жаноблари ССР Иттифоқи Ташқи ишлар министрлигининг таклифига мувофиқ рафиқаси билан биргаликда Совет Иттифоқига меҳмон бўлиб келган эди. Жюль Мок жаноблари 12 сентябрда рафиқаси билан Тошкентга келди.

Аэродромда Жюль Мок жаноблари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри Ғ. С. Султонов, Ўзбекистон ССР Маориф министри И. Қ. Қодиров, чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениесининг раиси Т. Ж. Жўраев, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ҳ. Р. Мусахонова, матбуот вакиллари кутиб олдилар.

Мок жаноблари самимий кутиб олганликлари учун миннатдорчилик билдирди ва Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрига келишидан жуда хурсанд эканлигини айтди.

Ж. Мок жаноблари Тошкентда бир неча кун бўлади. (ЎзТАГ).

Франция ўқитувчилари ва маориф ходимлари делегацияси Тошкентга келди

РСФСР Маориф министрлигининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Франция ўқитувчилари ва маориф ходимлари делегацияси 12 сентябрда Москвадан Ўзбекистон пойтахтига келди. Франция маориф бирлашмасининг бош секретари Ж. Сенез делегацияга бошчилик қилмоқда.

Тошкент аэродромида меҳмонларни Ўзбекистон ССР Маориф министри И. Қ. Қодиров, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Ҳ. Р. Мусахонова, республика Маориф министрлигининг масъул ходимлари, педагогика олий ўқув юртларининг, мактабларнинг директорлари ва ўқитувчилар кутиб олдилар.

И. Қ. Қодиров ва делегация бошлиғи Ж. Сенез табрик нутқи сўзладилар.

Меҳмонлар Ўзбекистонда бир неча кун бўлиб, республикада халқ маорифининг қўйилиши билан танишадилар. (ЎзТАГ).

ХОДИСА

Ака-укалар топишди

Бекобод район милиция ходими лейтенант Назаров автобусда келаркан, икки йигит бир-бири билан жой талашиб, жанжаллашиб қолди. Назаров уларни тинчитиш мақсадида тартибга чақирди. Бекободга етгач, ҳалиги икки йигит автобусдан тушди. Назаров ҳам автобусдан тушаркан, унинг ҳаёлини «иккови нотаниш экану, лекин афти-башаралари жуда ўхшаш-а?» деган фикр чулғаб олган эди. «Булар қариндош эмасмикан» деган мулоҳаза билан Назаров уларнинг паспортини текшира бошлади.

— Исм, фамилиянгиз нима?

— Одил Аҳмедов.

— Ака ёки укангиз борми? — сўради яна Назаров.

— Укам бор эди, лекин 20 йил бўлди бир-биримизни йўқотганмиз. Ота-онамиз ёшлигимизда вафот этиб, иккаламиз ҳар кимларнинг тарбиясида қолиб кетганмиз.

— Исми нима эди?

— Отабой. Икки яшар эди. У найтда Хоразм областининг Шовот районида яшармиш.

Лейтенант Назаров нарироқда турган иккинчи йигитни яқинига чақириб, ундан сўради:

— Сизнинг фамилиянгиз нима?

— Аҳмедов.

— Исмингизчи?

— Отабой.

Бир-бири билан топишган акаука қучоқлашиб кўришишди ва милиция лейтенанти Назаровга самимий ташаккур изҳор этиб, беҳуда жанжал қилганликлари учун ундан узр сўрашди.

Е. ҲАСАНОВ.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

Қишлоқ участкавойи

Янгийўл район милиция бўлимининг бошлиғи майор Отамуродов милиционер Набижон Абдураззоқовни ўз ҳузурига чақириб олиб, раҳбарлик ва партия ташкилоти уни участка милиционери этиб тайинлашга қарор қилганликларини айтди. Набижон ўзига ишонч билдирганликлари учун парторг ва майорга самимий ташаккур билдириб, зарур кўрсатмаларни олди-да янги вазифани бажаришга киришди.

У, ишни нимадан бошлаш керак экан, деб идорада ўтирмади. Набижон ишнинг дастлабки куниданоқ участка ва ундаги кишилар билан танишиб чиқиш кераклигини яхши тушунарди.

Ёш ходим дастлаб: «Шундай вазифани уддалай олармиканман?» — деб шубҳаланди. Лекин у колхоз кишилари билан биринчи учрашиш-даёқ аввалги шубҳалар ўрнини ўз кучига ишонч ва касбига бўлган муҳаббат олганини англади... Набижон Петров номли колхоз пахтаэзорлари ёқалаб кетаётганида унга йўлдош бўлиб бораётган чол кечаси кимдир унинг бузоғини ўғирлаб кетганини айтди. У, колхоз раиси билан суҳбатлашишни вақтинча кечиктириб, дарҳол чол билан жиноят содир бўлган жойга борди. Аммо ўғрининг кимлигини аниқлайдиган ҳеч қандай белги ёки гувоҳ топа олмади. Демак, ўғри бошқа ёқдан келган эмас, балки маҳаллий кишилар ичидан. Абдураззоқов чолнинг қўни-қўшнилари билан узоқ суҳбатлашиб, ўғирликда гумон қилинган Каримжонов деган шахсни аниқлади. У тезда Каримжоновникига етиб келди ва уни бузоқнинг терисини ажратиб турган пайтда қўлга туширди... Бу ёш участкавойнинг колхозчилар билан ҳамкорликда олиб борган дастлабки операцияси эди. Кўп ўтмай, мол ўғрислни тутишда кўмаклашган колхозчилар участка бошлиғи Набижоннинг актив ёрдамчилари бўлиб қолдилар. Колхозчи Абдурахмон Юсупов эса милицияга ёрдам бериш бригадасига аъзо бўлди.

Набижон Абдураззоқов фақат жиноятларни фош қилиш билангина чекланмади. У колхозчилар ёрдамида бирорта чайқовчини тутар экан, унинг меҳнаткашлар қозонига тушган паразит қурт эканлигини колхоз клубида, мактаб биносида тўпланганларга тушунтириб беришга ҳаракат қилар эди.

Ҳушмуомала йигит тез вақт ичида ҳамманинг ҳурматини қозонди. Колхозчилар уни: «Бизнинг участкавойимиз» деб, у ҳақда ғурур билан гаплашадиган, ўз шодликлари ва қайғуларини у билан баҳам кўришадиган бўлиб қолдилар.

Набижонга бошқа участка граждан лари ҳам тез-тез мурожаат қилиб туришар эди. Бир куни Тошкент қишлоқ районининг участкасининг граждани Пак Сергей қишлоқда алдақандай номаълум шахснинг пайдо бўлиб қолганлигини ва унинг доим маст бўлиб, безорилик қилиб юришини хабар қилди. Набижон «бу менинг участкам эмас» демоқчи эдию, бироқ кейнинни ўйлади. Ахир баъзи операцияларни ўтказиш учун бошқа территорияларга ҳам чиқишга тўғри келадику, ўшанда Пак Сергейга ўхшаганлар жон-дили билан Набижонга ёрдам беради!..

Набижон тўғри идрок қилган эди, Сергейнинг ёрдами керак бўлиб қолди.

Кунларнинг бирида майор Отамуродов участка бошлиқларини йиғиб, муҳим воқиани айтди: милицияга Жамбул шаҳридан икки киши келиб, Янгийўл районида Ли Ман Бок исмли қотил яшириниб юрганлигини айтганлар. Майор участка бошлиқларига бу ишни милицияга ёрдам бериш бригадаси ёрдамида аниқлашни топширди.

Бошлиқнинг гапини эътибор билан тинглаётган Набижон дарҳол Сергейнинг хабарини эслади... «Ўша эмасмикан?» — деб ўйлади у...

У топшириқни олиб, участкага қайтиб келаётганида яна бир иш чиқиб қолди. Молотов колхозининг аъзоси бригадада номаълум киши пайдо бўлиб қолганлигини айтди. У, колхозчига раҳмат айтиб Молотов колхози территориясига қараб кетди. Дала шийпонида овқатланиб, дам олиб ўтирган колхозчилар билан ҳам, раис билан ҳам қуюқ кўришди.

Милиционер ўтирганлар орасида бир қишининг мумкин қадар унга назар ташламасликка ҳаракат қилаётганлигини пайқади...

Кечқурун раисни учратди.

— Артелга янги аъзо қабул қилдингизми? — сўради у. Раис ҳайрон бўлиб:

— Кимни? Ҳа, анавуми, э, у бригадиримизнинг қариндошику!

— Нега у дала шийпонида ўтирибди?

— Дам олиб ўтиргандир-да, қайдам... — елкасини қисди раис.

Абдураззоқов «бригадирнинг қариндоши»ни эътиборсиз қолдирмади, уни роса текшириб кўриб, Паркент районидан катта растрата қилиб қочган жиноятчи эканлигини аниқлади.

... Набижон яна қотил тўғрисида бошлиқнинг айтганларини эслади. У Сергей Пакнинг: «Доим маст бўлиб юради, ҳеч қаерда ишламайди...» деб номаълум киши ҳақида қилган ҳикоясини ҳаёлидан ўтказаркан, «бу безори билан қотил ўртасида алоқа йўқмикан» деган гумонни қилди...

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқди. У қотил Ли Ман Бокнинг ҳудди ўзи эди.

Лекин жиноятчи изига тушганликларини сезиб қолиб, қишлоқдан қочиб бўлди. Унинг қаёққа кетганлигини ҳечким билмасди. Набижон ховлиқмади. У Ли Ман Бок яшаб турган хотиннинг уйига борди.

— Ли Ман қани? — сўради у хотиндан.

— Тошкентда...

Хотиннинг алдаётганини сезган милиционер ундан рост гапиришни талаб қилди. Жиноятчи Янгийўлнинг ўзида экан.

... Жамбулдан қотилни қидириб келган икки киши Ли Ман Бок яшириниб ўтирган хонага кириб келдилар. Уларни таниган қотил:

— Мен қариндошингизни ўлдирганман, энди сизларни ҳам ўлираман! — деб столдаги пичоқни олиб, ёвузларча отилди. Бироқ шу пайт уйга қўлида ярақлаган пистолети билан Абдураззоқов кириб келди ва қотилнинг қўлидаги қуролни уриб туширио юборди...

* * *

Бундан икки йил бурун участка милиционери қилиб тайинланган Набижон Абдураззоқов меҳнаткашлар осойишталигини сақлаш, халқни ва социалистик мулкни қўриқлашдек шарафли ишга ўзининг катта ҳиссасини қўшаётир. Ўртоқ Абдураззоқов хизмат қилаётган участка колхозчилари ўз ҳимоячисини самимий ҳурмат қилиб, унга яқиндан ёрдам бермоқдалар.

М. ГРЕБЕНЮК.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Оддий кишилар.**

«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» кеч соат 6 гача **Вена арзандаси**, кеч соат 8 дан **Румянцевнинг иши.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кеч соат 6 гача **Игнотас уйга қайтиб келди.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«УДАРНИК» — **Игнотас уйга қайтиб келди.**

«ИСКРА» (Кафанов номли парк) — **Тереза Ракен.**

«ХИВА» — **Рўёбга чиқмаган орзулар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРНИНГ ЁЗГИ БИНОСИДА

15 ва 16 сентябрда

катта концертлар

Концертларда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Галия Измайлова, Фотима Борухова, Карим Зокиров,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Саттор Ярашев, Саодат Қобилова, Ноила Ҳошимова, Михаил Давидов, Насим Ҳошимов, Авнер Бараев, Раҳим Исахўжаев**лар қатнашади.

Концертмейстерлар — **Д. Л. Воробейчикова, Р. Лешчинер.**

Программани **Жамол Низомхўжаев** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 ярим да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Йўллар министрлигининг **ЭЛЕКТРОСВАРКА ЗАВОДИ** ҳар хил электросварка ишларига **ЗАКАЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Темир йўл бошқармасининг коммутатори орқали соат 8 дан 17 гача мурожаат қилинсин (қўшимча телефон — 31-25).

«ЗАХКЕЛЕСУПР»ГА тажрибали **гидротехник инженерлар, старший** ва **участка гидрометрлари КЕРАК**

Тошкент шаҳар, Фрунзе кўчаси, 20- уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Уйғур кўчаси, Кўкйўнғичка проезд, Қуёш нури тупик, 9- уйда турувчи **Абдуқаҳҳор Абдураззоқов**нинг Лабзак кўчаси, 6- тупик 1- уйда турувчи Мамлакат Маликовна Раззоқовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 8- участка халқ судида кўрилади.

Тошкент шаҳар, Лоҳутий кўчаси, 32- уйда турувчи **Магнур Мингазетдиновна Жабаров**анинг Олмалиқ шаҳар, Сталин номли мактабда турувчи Абдурҳим Муҳамедович Жабаровдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Марказий район, 3- участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36534 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р 01795. «Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1521.